O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 49 (155)-сон, 2006 йил 14 декабрь | www.21asr.com

ИНСОН ҚАДРИ

Хусусий сектор эгалари томонидан 151 млрд.сўм маблағ «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ижроси учун сарфланди — 2

ИҚТИСОДИЁТ

Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалигида хорижлик ҳамкорлар ёрдамида велосипедларнинг бутловчи қисмларини йиғиш цехи ишга туширилди — 3

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



2040 йилга бориб Арктикада абадий музликлар қолмаслиги мумкин — 7

Муҳаррир минбари

Ижтимоий ҳимоя

ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТДА МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ, ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ТАНЛАНГАН ЙЎЛНИНГ ҚАНДАЙ МАНЗИЛЛАРГА ОЛИБ БОРАЖАГИНИ КЎРСАТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛДИР

Юртимизда Конституция байрами яқинлашгани сари турли соҳа кишилари орасида яхши ниятдаги "башорат"ларни илгари суриш одат тусига кириб қолди. Ўқитувчиларимиз: "Кўрасиз, бу йил ўқитувчилар йили бўлади", — дейишса, йилдан-йилга куч-қудратга тўлиб бораётган фермерларимиз "Фермерлар йили" бўлажагини таъкидлашади, йирик саноатчиларимиз эса "Саноат йили" бўлишини башорат қила бошлайдилар...

Юртбошимизнинг кириб келаётган янги йилни "Ижтимоий ҳимоя йили" дея эълон қилгани эса ҳамма соҳа эгалари ва жамиятимиздаги барча қатлам вакилларининг умумий манфаатига мос тушганини ўтаётган ҳафта давомидаги учрашув ва мулоқотлар, байрам тадбирларидаги чиқишлар яққол кўрсатди.

Ижтимоий ҳимоя мавзуида сўз кетар экан, Юртбошимизнинг бундан роппа-роса бир йил аввал "... давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак, деган гапи ёдимизга тушади.

Бу эса 2006 йил арафасида эълон қилинган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" "Ижтимоий ҳимоя йили" учун мустаҳкам замин яратганидан далолатдир.

Агар бугун шиддат билан ўтиб бораётган умримизнинг сўнгги ўн йилини сарҳисоб қилсак, миллиард-миллиард сўмлаб маблағ юртдошларимиз турмуш тарзини яхшилашга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногирон ва боқувчисини йўқотган кексаларимизга сарфланганига гувоҳ бўламиз. 1997 йил "Инсон манфаатлари йили", 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2002 "Қарияларни қадрлаш йили", 2003 йил "Обод маҳалла йили", 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили", 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" ва 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дея эълон қилинганини яна бир карра кўз олдимизга келтирсак, ҲАР БИР ЙИЛ ЗАМИРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ масаласи ётганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Бу эса ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ саналаётган юртимизда танланган йўлнинг қандай манзилларга қаратилганини кўрсатувчи асосий белгидир. Зеро, Асосий қонунимизнинг ички тузилиши ҳам "фуқаро — жамият — давлат" руҳида бойитилган бўлиб, ана шу учликнинг ўзаро алоқаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ва ўзгармаслиги тамойилига асосланган. Бундан ташқари, Конституциямизнинг 19-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар", дейилади. Ана шу боғлиқлик бугун давлат ва фуқаро зиммасига бирдек масъулият юклаётир.

Хўш, бундай масъулиятли сафар давомида юртдошларимиз, нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар ва энг асосийси — сиёсий партиялар ўз зиммаларига қандай вазифаларни олишлари лозим бўлади?

Давоми 2-саҳифада.

Кўҳна ва навқирон шаҳар — Марғилон ҳадемай ўзининг 2000 йиллигини кенг нишонлайди. Шу муносабат билан шаҳарда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, янги коллежлар, тиббиёт, савдо муассасалари тармоғини кенгайтириш билан бир қаторда янги иш ўринларини яратишга катта аҳамият берилмоқда. Марғилон қадимдан турли енгил саноат маҳсулотлари билан довруқ қозонган. Бугунги кунда ҳам шаҳар аҳли азалий қўл ҳунармандчилиги буюмларидан тортиб, турли ипак матолар, камалакранг атласу адраслари билан ҳақли равишда фахрланади.

Жорий йил аввалида шаҳарда калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Марғилонтекс" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаган эди. 2,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги замонавий дастгоҳлар билан таъминланган ушбу корхонада ҳозирги кунда 70 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 90 фоизи ёшлардир. Қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган калава сифати жаҳон андозаларига тўла мос келади. Шу боис юз фоиз маҳсулот хорижга экспорт қилинаяпти.

— Жамоамиз эришаётган ютуқларда 25 нафар O'zLiDeP аъзосининг муносиб ҳиссаси бор, — дейди корхона раҳбари Шавкатжон Тиллабоев. — Янгиликка ўч, тиришқоқ, изланувчан бу йигит-қизлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

АНДИЖОНДА ФЕРМЕРЛАР УЧРАШУВИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди. Бу ўринда "Республика деҳқон (фермер) хўжалигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ва "Қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Фармон ва қарорларни тилга олиш жоиздир. Шубҳасиз, улар деҳқон ва фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, қишлоқ мулкдорларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Бугун шуни алоҳида қайд этиш лозимки, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ташкил этилганлиги, яъни адолатли тизим яратилгани муваффақиятларни таъминлашда асосий омил бўлаяпти. 2006 йилнинг ўзида қишлоқ мулкдорларига 975 та минибанк, 1534 та муқобил МТП, 882 та минерал ўғит ва 1117 та ёнилғи қуйиш шохобчалари, 1301 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизмат кўрсатди. Мавжуд 720 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати марказларида эса фермерларга зарур маълумотлар етказиб берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда ўз электоратининг катта қисмини ташкил этувчи мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида жорий йилнинг 28 ноябридан 1 декабригача Андижон вилоятида республикадаги илғор фермерларнинг андижонлик фермерлар ва фермерликка талабгорлар билан учрашувларини ташкил этди.

5

КЕЛГУСИ СОНДА

Озод ва обод Ватан, эркин ҳамда фаровон ҳаёт қуриш йўлида олиб борилаётган устувор йўналишларни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчидир.

(Тарихчи олим Бахтиёр Исоқов билан мулоқот).

O'ZLIDEP НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 22 ноябрь куни "Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини тайинлаш тўғрисида"ги қарорига асосан сайлов 2006 йил 24 декабрь, якшанба кунига белгиланди.

Ушбу қарорга кўра Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг 7 декабрь куни бўлиб ўтган VIII мажлиси қарорига асосан Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино сайлов округи бўйича Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ғулом Сафаров, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота сайлов округи бўйича O'zLiDePнинг Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ориф Шарипов, Фарғона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округи бўйича O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Аббос Аҳмедовлар номзоди қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига O'zLiDePдан кўрсатилган номзодлар ҳақидаги мақолаларни газетанинг 2 ва 4-саҳифаларида ўқийсиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	967,47	1 Миср фунти	216,63	1 Польша злотийси	427,63	10 Жанубий Корея вони	13,35
1 Англия фунт стерлинги	2412,87	1 Исландия кронаси	17,81	1 СДР	1871,23	10 Япония иенаси	106,05
1 Дания кронаси	218,53	1 Канада доллари	1076,46	1 Туркия лираси	863,95	1 Россия рубли	47,16
1 БАА дирҳами	336,61	1 Хитой юани	157,93	1 Швейцария франки	1024,92	1 Украина гривнаси	244,99
1 АҚШ доллари	1236,29	1 Малайзия рингги	348,16	1 ЕВРО	1628,62		

ИНСОН ҚАДРИ

БИЗ шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз

Ижтимоий ҳимоя

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз бораркан, айрим тажрибали партияларимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай масала учун давлатгина жавобгар, бош ислоҳотчи сифатида давлатгина ижтимоий ҳимоя билан шуғулланиши лозим, деган қарашлар бозор иқтисодиёти шароитида ўз аҳамиятини йўқотаётганини англамаслик мумкин эмас. Негаки, айни пайтда хусусий сектор эгалик қилаётган "ҳудуд" давлат тасарруфидаги "ҳудуд"лардан бир неча баробар зиёдки, бу ҳам бўлса, масала моҳиятининг нечоғлик муҳимлигини кўрсатади. Рақамларга эътибор беринг: агар 2001 йилда республикамизда 190 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлса, 2002 йилга келиб улар сони 18 фоиз ошган. "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинган 2003 йилнинг 9 ойида рўйхатдан ўтган юридик шахслар жами 349520 тани, 2006 йилнинг 9 ойида эса 418265 тани ташкил этган. Энг қувонарли томони шундаки, агар 2005 йилда рўйхатдан ўтган жами корхоналарнинг атиги 7 фоизини давлат тасарруфидаги субъектлар ташкил этган бўлса, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинган 2006 йилнинг 9 ойида бу рақам 5,8 фоизни ташкил этди, холос.

Ана энди ҳақли савол туғилади. Жамият олдидаги ўз жавобгарлиги ва масъулиятини тўлиқ ҳис эта бошлаган бизнес вакиллари ижтимоий ҳимоя масаласида четда тура оладиларми?

Бу саволга ҳа ёки йўқ дея жавоб қайтаришдан аввал якунланаётган йилнинг ўзида турли идора ва ташкилотлар, ҳомийлар, яъни хусусий сектор эгалари томонидан 151 миллиард сўм маблағнинг йил дастури ижроси учун сарфланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса ХУСУСИЙ СЕКТОР жамиятимиздаги реал кучга ва давлатнинг ишончли таянчига айланиб улгурганини, улар учун яратилган реал шароит, реал имконият ана шундай муносабатнинг қарор топишига хизмат қилганини кўрсатади. 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" дея эълон қилиниши мамлакатимиз фуқаролари, турли корхона ва ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар билан баб-баравар O`zLiDePнинг электорати бўлган бизнес вакилларининг, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳам жамият олдидаги масъулиятини янада оширади, дейишга тўла асосимиз бор.

Бугун шуни ифтихор билан таъкидлаш лозимки, энг чекка ҳудудларимиздаги юртдошларимиз ҳам айнан ана шу соҳа вакиллари ўз қишлоғи, тумани учун жон куйдираётганларига, йўллар, кўприклар ва ҳатто мактаблар қураётганларига гувоҳ бўлмоқдалар. Мамлакатимиз узра даъватдек янграган ва аксарият юртдошларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган "Сен ёлғиз эмассан" шиори бағрикенг ва саховатпеша инсонлар кўнглидаги меҳр-муҳаббат туйғуларини янада тўлқинлантирди, дейиш мумкин. Натижада маҳалла-кўйдан, қариндош-уруғлари эътиборидан четда қолган, ўз ташвиши ва муаммолари қобиғидан чиқа олмаётган, турмуш ташвишларидан ҳаётга бўлган ишончини йўқотаёзган юртдошларимиз ҳам Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ижтимоий кўмак олдилар. Маънавий кўмак эса уларнинг жамиятда ёлғиз эмасликларини кўрсатди.

Президентимиз "Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз" деганида бу чақириққа миллионлаб юртдошларимиз ўзларининг амалий ишлари билан жавоб қайтарганларига гувоҳ бўлдик. Ногиронлар, боқувчисини йўқотган кекса отахон-онахонларимиз хонадонларига, ногиронлик ва меҳрибонлик уйларига кўпроқ ташриф буюрган, у ерда истиқомат қилувчилар ҳолидан хабар олганлар ҳам асосан хусусий сектор эгаларидир.

Янги йилда эса ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш, энг аввало, жойлардаги реал ҳолатдан яхши хабардор бўлган маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада ривожлантиришда сиёсий партияларнинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг изчил фаолиятига кўп нарса боғлиқ бўлади. Асосан ана шу бўғинга ижтимоий ҳимоянинг адолатли йўлга қўйилиши даврида жамоатчилик назоратчиси вазифасини ўташи мумкин бўлган ноёб тизим — маҳаллаларга реал ёрдам бериш имконига эгадир.

"... Демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан "туширириш" мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи лозим".

Ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз бораркан, айрим тажрибали партияларимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай масала учун давлатгина жавобгар, бош ислоҳотчи сифатида давлатгина ижтимоий ҳимоя билан шуғулланиши лозим, деган қарашлар бозор иқтисодиёти шароитида ўз аҳамиятини йўқотаётганини англамаслик мумкин эмас

Юртбошимизнинг ана шу сўзлари Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда тилга олинган "ижтимоий муҳофаза сиёсати" ибораси билан чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ижтимоий ҳимоялашнинг ўзбекона андозасига биноан халқимизда азалдан мавжуд бўлган меҳр-оқибат, беминнат ёрдам — ҳашар, тўёна, беморларни зиёрат қилиш, хайр-эҳсон, закот ва ҳоказо қадриятлар ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларига катта кўмак бўлади. Ижтимоий ҳамкорлик ўзбек жамиятидаги ижтимоий ҳимоя тизимида асосий омиллардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Дунёнинг глобал муаммолари кескин тус олаётган бир даврда ижтимоий сиёсат масаласи инсоният тақдирида муҳим роль ўйнаётганини яхши биламиз. БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунёнинг 54 мамлакатида аҳоли 1990 йилга нисбатан камбағаллашган. 21 мамлакат аҳолисининг асосий кўпчилиги очликдан азият чекмоқда. 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси пасайган. 12 мамлакатда болаларнинг бошланғич умумтаълим мактабларига қатнаш кўрсаткичи камайган. Дунёда 100 миллион бола мактабга қатнамайди. Ана шундай бир шароитда Ўзбекистон ўзининг тарихий анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларига таянган ҳолда ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик, изчиллик ва босқичма-босқичлик тамойиллари асосида олға интилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг марказлашган режавий хўжалик тартиботларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Бинобарин, мамлакатда ўтказилаётган барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир.

Мустақиллик даврида ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширишда давлат ва ҳокимият ташкилотлари, кенг жамоатчилик ва фуқароларнинг ҳамкорлиги тубдан ўзгарди. Ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий бирлиги бўлмиш маҳалла орқали кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва боқувчисини йўқотганларга мақсадли мадад кўрсатиш тизими шакллантирилди.

Дунёда ягона Ўзбекистоннинг Давлат бюджетида махсус "Ижтимоий ҳимоя" банди белгиланган. Бу эса миллий қадриятларимиз билан боғлиқ масаладир. Бюджетда кўзда тутилган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинмоқда.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа — биринчи галда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилишига алоҳида аҳамият қаратиш, "Соғлом она — соғлом бола" деган шиор остида катта эътибор билан бошлаган ҳаракатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммога замонавий кўз билан қараш ва етарли даражада маблағ ажратиш масалалари давлат ва ҳокимият органлари, кенг жамоатчилик ва фуқаролар ҳамкорлигининг доимий диққат марказида турганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш жараёнида ҳокимият идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик ва, айниқса сиёсий партиялар ўзларининг амалий таклифлари, фикр-мулоҳазалари ва ташаббуслари билан бу соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришлари лозим.

Ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият тузилмалари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши эмаслигини, бу жараёнда барча бирдек, бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, халқаро майдонда ҳалигача синчиклаб ўрганилаётган машҳур беш тамойилнинг муҳим бир йўналиши аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам шу билан боғлиқдир.

Бу эса "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнларида биз эътибор қаратишимиз лозим бўлган асосий нуқтадир.

Ҳар биримиз мамлакат тақдири учун масъулмиз

Ҳаётнинг карами кенг. У фидойи, меҳнаткаш инсонлардан ҳеч қачон ўз марҳаматини аямайди. Зеро, интилиб ва изланиб яшашнинг ҳам ўзига хос гашти бор. Жамият манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўювчи кишилар ҳамиша эл-юрт ардоғида. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси, 86-"Қўқон" сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Аббос Аҳмедов ана шундай изланувчан юртдошларимиздан.

■ **Сайёра ТУРҒУНБОЕВА,**
"XXI asr" мухбири

Қўқон шаҳрида туғилиб ўсган А. Аҳмедов ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллагач, Фарғона политехника институтининг нефть ва газ қудуқларини пармалаш факультетига ўқишга кирди. Олий маълумотли муҳандис сифатида дастлабки иш фаолиятини Қўқон пармалаш ишлари бошқармасида мутахассис ёрдамчиси вазифасидан бошлади. 1983-84 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, бошқармада пармаловчи, уста, смена бошлиғи вазифаларида ишлади. Ташкилотчи ва ташаббускор мутахассис сифатида жамоада ўзига хос ҳурмат-эътибор қозонди. Уни катта муҳандис лавозимига тайинладилар. Унинг ташкилотчилик, янгиликларни теран англаб, амалиётга татбиқ эта билиш, жамоа бошини қовуштириб, янги марралар сари илҳомлантириш каби етакчилик қобилияти айни шу йилларда шаклланди.

— Ҳар бир инсоннинг орзулари, кўзлаган мақсади бўлади, — дейди Аббос ака. — Аммо унга эришиш осон кечмайди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, ҳаловатдан воз кечиш керак. Буни мен ўз ҳаётимда бир неча бор синаб кўрганман. Ҳамон эсимда: 1986-87 йилларда мен бошқарган жамоа режадаги кўрсаткичларни ортиғи билан бажариб, мусобақада ғолиб чиққанди. Ана шунда илк бор ишчи-хизматчиларнинг ўз кучига, ташкилотга бўлган ишончини чуқур ҳис этганман.

Мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилгач, ёш муҳандис "Омад" хусусий корхонасига асос солди. 1997 йилнинг сентябрь ойида шу корхона базасида ташкил этилган "Технокомцентр" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига бош директор этиб тайинланди. Ўша кезлари шаҳарда ягона хисобланган ушбу корхона компьютерлаштириш, уларни дастурлар билан таъминлаш каби мураккаб вазифаларни амалга оширарди. Айни пайтда ҳам у бошқараётган "Куч" ва "Техника" масъулияти чеклаган жамиятларининг асосий вазифаси илм-фан ютуқлари, замонавий технологияларни халқ хўжалигига татбиқ этиш билан шуғулланаяпти. Кейинги йилларда айнан ушбу жамоа изланишлари натижасида нефть қудуқлари самарадорлиги бир неча бор оширилди. Техника фанлари номзоди Аббос Аҳмедовнинг бир неча ихтиролари ишлаб чиқаришга жорий этилган.

— "Техника" МЧЖ компьютер дастурларини яратиш, аҳоли ва ташкилотларга радио-алоқа хизмати кўрсатиш ҳамда шу ускуналарни таъмирлаб, монтаж-созлаш ишларини амалга ошириш билан шуғулланади, — дейди Аббос ака. — Ўтган йили ҳукуматимиз топшириғига мувофиқ юртимиз фуқароларининг электрон базасини яратдик, шахсларни автоматик идентификациялайдиган дастур тайёрладик. Айни пайтда эса бу тизимни ўрнатиш ва созлаш ишлари олиб борилаяпти.

Аббос Аҳмедов сингари инсонлар, юқорида таъкидлангандек, ҳеч қачон эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмайдилар. Аксинча, ҳамиша изланишда бўладилар, янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш учун қуйиб-ёниб яшайдилар. 2000 йилда бир неча таъсисчи ҳамкорлигида ташкил этилган хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки Аббос ака ташаббуси ва бошчилигида дунёга келгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Айни пайтда акциядорлик-тижорат "Универсалбанк" республикамиздаги кўплаб мижозларга самарали хизмат кўрсатмоқда. А.Аҳмедов эса ушбу банк кенгаши раиси сифатида ҳам мазкур молия муассасасига бош-қош бўлиб келаяпти.

Шуни таъкидлаш жоизки, Аббос Аҳмедов нафақат Қўқон шаҳри, балки Фарғона вилоятидаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятдан яхши хабардор. Халқ депутатлари шаҳар ва вилоят кенгашлари депутати сифатида ўз сайловчилари билан тез-тез учрашиб, уларни қизиқтираётган масалалар юзасидан фикрлашиб туради, қўлидан келадиган ёрдамини аямайди. Ишхонасидаги "ишонч телефонлари" доимо сайловчилар хизматида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дастлабки довон эндигина босиб ўтилди. Муҳим ва асосий ишлар эса ҳали олдинда. Сайловчилар ишончи ва эътиборини қозониш йўлида ҳали кўп тер тўкишга тўғри келади. Энг муҳими, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки энг аввало, инсон учун эканлигини унутмаслик лозим. Инсон бахти, шахс маънавияти биринчи ўринга қўйилган жойда эса эзгу мақсадлар рўёбга чиқиб, ҳаёт янги мазмун касб этаверади.

МУНОСАБАТ

O'ZLIDEP НОМЗОДЛАРИ

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

Электорат ҳақида ғамхўрлик

Тошкент шаҳри. Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази ва O`zLiDeP Ҳамза тумани кенгаши томонидан электорат билан ишлашни янада кучайтиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Анжуманда туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари, Ҳамза туман ҳокимлигининг Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўлими мутахассислари, санитария-эпидемиология назорати инспекцияси вакиллари, партия фаоллари - жами 38 нафар киши иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад партиянинг дастурий вазифаларини амалга ошириш, асосий электорат бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этишдан иборат эди. Дастурга кўра тадбиркорлар фаолиятини ҳимоялаш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг вакиллари маърузалар қилдилар. Улар тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароит ҳақида сўз юритдилар, солиқ тизими соҳасида кутилаётган янгиликлар билан таништирдилар. Партия ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тадбиркор, фермер ва ишбилармонлар иштирокида муҳокама этилиши давлатимизнинг мулкдорларга бўлган эътиборидан далолат эканлиги алоҳида таъкидланди. Маърузалардан сўнг баҳс-мунозаралар бошланди. Тадбиркорлар солиқ тизими мутахассисларига ўзларини қизиқтирган бир қанча саволлар билан мурожаат қилдилар. Суҳбат давомида айрим масалалар ўз ечимини топди. Ҳал этилиши зарур бўлган кўпгина масалалар O`zLiDeP Ҳамза тумани кенгаши томонидан назоратга олинди.

Коллежда Конституция байрами

Навоий. Ўтган ҳафтада бутун юртимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Давлатчилигимиз асоси, барча соҳаларни тартибга соладиган ва инсон ҳуқуқларини кафолатловчи Бош қомусимиз қабул қилинган тарихий кун халқимизнинг озодлик йўлидаги курашида қўлга киритилган тарихий ғалабаси, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳар йили 8 декабрни ўзининг азиз байрами сифатида кенг нишонлайди.

Мазкур сана муносабати билан O`zLiDeP томонидан ҳам кенг кўламли тадбирлар ўтказилди. Хусусан, партиянинг Навоий шаҳар кенгашининг Маданият ва саънат коллежи маъмурияти билан ҳамкорликда "Ҳурлик рамзи - 14 ёшда" деб номланган байрами ташкил этилди. Унда талабалар, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, олимлар ва ўқитувчилар, партия фаоллари қатнашдилар.

Тадбирда Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қизиқарли маърузалар бўлди. Таъкидлаш жоизки, демократик жамият қуришда ҳар бир инсон мамлакатимизнинг Асосий қонунини яхши билиши лозим. Бу борада партия томонидан Конституцияни ўрганишга бағишланган туркум давра суҳбатларини ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ, деб айтилди.

Тадбирда юзга яқин киши иштирок этди.

«Ҳаёт ишончи»да байрам

Пойтахтнинг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган "Ҳаёт ишончи" ногирон болалар марказида 130 нафар ўғил-қиз рўйхатда туради. Муассаса раҳбари Лариса Россинскаянинг таъкидлашича, марказ ногирон фарзандлари бор оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш, болакайлар жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканликларини ҳис этишлари учун барча шароитлар яратиш билан шуғулланади.

Куни-кеча бу ерда ногирон болалар учун яна бир катта байрам — "Биргаликда биз кучмиз" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ижоди — ёзилган расмлар, ўйинчоқлар, ошхона анжомлари кўргазмаси намойиш этилди. Тадбирида 30-мусиқа мактаби ўқувчилари ўз ижодий совғалари билан иштирок этишди. Тадбирда куй ва қўшиқлар янгради, шеърлар ўқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги арафасида ўтказилган тадбир сўнгида O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ва "Аёл, бизнес, маслаҳат" МЧЖ ҳомийлигида болажонларга турли кийим-кечаклар тақдим этилди ва байрам дастурхони ёзилди.

ЭЪЛОН

Термиз шаҳридаги "Капитал брок Термиз" хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб белгиланган муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади. Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, вилоят Тадбиркорлар маркази биноси, 3-қават, 10-хона. Телефон: 22-3-35-12.

АЁЛЛАРНИ фаол сиёсий ҳаётга жалб этмай туриб, чинакам демократияга эришиб бўлмайди

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

АНЖУМАН

Кенг имконият учун кенг майдон

ТЕРМИЗДА O`ZLIDEP АЁЛЛАРИ «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ, УНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМЛИГИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗА ЮРИТДИЛАР

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Аёлларнинг фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан "Аёл: жамият ва сиёсат" мавзуига бағишланган навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Унда партия шаҳар ва туман кенгашлари раисларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, кичик ва хусусий бизнес соҳибалари, партия фаоллари иштирок этдилар.

■ Ўз мухбиримиз

Бош Қомусимиз қабул қилинган кун арафасида ташкил этилган мазкур анжуманни вилоят кенгашининг бўлим мудири Гўзал Ибрагимова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз аёллари нафақат ғамхўр тарбиячи, ишбилармон раҳбар, тажрибали фермер ва тадбиркор, балки етук сиёсатчи сифатида ҳам самарали фаолият юритаётганликларини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам айни пайтда O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ўз сафига 6 мингдан ортиқ хотин-қизни бирлаштирган.

Масалан, Термиз туманидаги "Сурхон воҳаси" фермер хўжалиги раҳбари Рисолат Маматқуловани сурхондарёликлар яхши билишади. У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида 120 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштириб, йил сайин белгиланган режалар ортиғи билан бажарилмоқда. Бу ерда чорва маҳсулотлари етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Хўжалик қошидаги тикувчилик-бичувчилик, мебель замонавий эшик-ром цехларида тайёрланган маҳсулотлар барчага бирдек манзур бўлмоқда. Жорий йилда хорижлик ҳамкорлар билан шартнома тузиб, чет элда ишлаб чиқарилаётган велосипедларнинг бутловчи қисмларини йиғиш цехи ҳам ишга туширилди.

Келгусида замонавий хориж технологияси асосида энг арзон ва қулай транспорт воситасини Термизнинг ўзида ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Рисолат Маматқуловани элга танитаётган хислатлардан яна бири — у фермер хўжалиги олаётган фойданинг бир қисмини ҳомийлик учун сарфлаяпти. Бундан ташқари қаҳрамонимиз қишлоқ аҳолисини тоза ичимли сув билан таъминлаш ишларига ҳам катта ҳисса қўшаяпти. Ўтаётган йилда "Дўстлик" ширкат хўжалиги ҳудудида узоқ йиллардан буён қаровсиз қолган стадионни замонавий усулда таъмирлашни ўз зиммасига олди. Бу ишни амалга ошириш учун қарийб 50 миллион сўмлик маблағ сарфланаётир. Саховатпеша ва ишбилармон фермернинг хизматлари Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида муносиб тақдирланиб,партия фаоли "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПАРТИЯНИНГ ЭНГ ҚУЙИ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ТОРТИБ СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗЛАРИГАЧА, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАН ТОРТИБ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИГАЧА БЎЛГАН УЛКАН ХАЛҚАНИНГ ҲАР БИР ЗАНЖИРИ МЕТИН ВА МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

Термизлик тадбиркор аёл Феруза Холмирзаева, тажрибали педагог, O`zLiDePнинг фидойи тарғиботчиси Гулнора Холмаматова, деновлик тадбиркор, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Гулчеҳра Ҳайдарова сингари O`zLiDeP аъзолари билан сафдошлари ҳақли равишда фахрланишади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси сиёсий партиялар, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDeP учун кенг фаолият майдони яратиш билан бирга, партия зиммасига алоҳида масъулит юклаётгани таъкидланди.

Таниқли фермер Рисолат Маматқулованинг таъкидлашича, Конституциявий қонун лойиҳаси партиянинг энг қуйи ташкилотларидан тортиб сиёсий таълим марказларигача, туман, шаҳар кенгашларидан тортиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоларигача бўлган улкан халқанинг ҳар бир занжири метин ва мустаҳкам бўлиши лозим.

Бу партиялар зиммасидаги масъулият, бурч тушунчалари, электорат олдидаги ишонч туйғусини янада мустаҳкамлаш керак деганидир.

Тадбир сўнггида ана шундай учрашувлар, семинар-тренингларни доимий ўтказиш ва уларга O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг энг фаол аъзоларини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларни таклиф этиш ҳақида фикрлар билдирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида мутбуотнинг, ОАВнинг ўрни беқиёс, албатта. Чунки даврнинг ўзи ахборот тизимида жиддий изланишларни тақозо этмоқда. Мустақил матбуотнинг тез суръатлар билан ривожланиши ахборот майдонида ҳам ўзига хос рақобатни юзага келтираяпти. Бундай муҳим жараёнда босма нашрлар ҳам турли синовларга дуч келиши табиий, албатта.

Фонд матбуотни қўллаб-қувватламоқда

ҚАШҚАДАРЁДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС ЛОЙИҲА» ТАНЛОВИДА ҒОЛИБ ЧИҚИБ, УЧ ЙИЛ МУДДАТГА БЕРИЛАДИГАН ФОИЗСИЗ КРЕДИТЛАРНИ (10 МЛН. СЎМГАЧА) ҚЎЛГА КИРИТГАН БОСМА НАШРЛАР РАҲБАРЛАРИГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ.

■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Қарши шаҳридаги Матбуотчилар уйида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган семинарда ана шулар ҳақида сўз борди. Унда республика давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қатор марказий ва ҳудудий босма ОАВ раҳбарлари иштирок этдилар.

ЎзбекистонЖурналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов тадбирда матбуотнинг ўрни алоҳида эканлигига эътибор қаратиб, бугунги ислоҳотлар жараёнида бу совға катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Шундан сўнг Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов "Босма ОАВ ва ахборот агентликларининг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари", "Қашқадарё" газетаси бош муҳаррири Нарзулла Равшанов эса "Мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни янгилаш жараёнини ёритишда босма ОАВнинг ўрни ва аҳамияти, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари" мавзусида маъруза қилдилар.

Давра суҳбати давомида босма ОАВнинг жамият тараққиётидаги ўрни, бозор иқтисодиёти шароитида матбуот фаолиятини йўлга қўйиш имкониятлари ва истиқболлари, сарф-харажатларни камайтириш, босма нашрлар фаолиятини ривожлантириш оммабоплигини ошириш, сифати ҳамда дизайнини яхшилаш, муассис ва таҳририят ҳамкорлиги, таҳририятлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш масалалари юзасидан қизғин мунозаралар бўлди.

Қашқадарёда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди томонидан эълон қилинган "Энг яхши бизнес лойиҳа" танловида ғолиб чиқиб, уч йил муддатга бериладиган фоизсиз кредитларни (10 млн. сўмгача) қўлга киритган босма нашрлар раҳбарларига сертификатлар топширилди. "Қашқадарё" газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган Журналистлар маҳоратини ошириш марказига ҳам жамоат фонди сертификати тақдим этилди. Семинар доирасида унинг иштирокчилари "Қашқадарё" газетаси таҳририяти фаолияти билан яқиндан танишдилар ва ўзаро тажриба алмашдилар.

Тадбирда мутасадди идораларнинг масъул ходимлари иштирок этиб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнидаги ўрни ҳамда роли хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ТАҚДИМОТ

Вилоятнинг деярли барча туман ва шаҳарларидан келган ёшларга касб-ҳунар ўргатишга 10 нафардан ортиқ малакали мутахассис жалб этилди. Бундай саъй-ҳаракатлар кутилган самарани бераяпти. Ҳозирги пайтда филиалда касб-ҳунар ўрганган хотин-қизларни вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларидаги маиший хизмат шохобчалари, компьютер марказлари, қандолатчилик цехлари ва бошқа корхоналарда учратиш мумкин.

Кенгаш ташаббуси билан

НАВОИЙДА «МАШҲУРА»НИНГ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАГАНИГА 2 ЙИЛ ТЎЛДИ

■ Ўз мухбиримиз

Битирувчиларнинг аксарияти кийим-кечак тикиш, зардўзлик, дизайнерлик, модельерлик, сартарошлик-косметика сингари йўналишларда ўз ишларини йўлга қўйиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Энг асосийси — филиал ўқувчилари бу ерда касб-ҳунар ўрганибгина қолмасдан O`zLiDePнинг ғоя ва дастурий мақсадлари билан ҳам яқиндан танишиб, келгусида ўз иш ва яшаш жойларида тарғиботчилик ишларини ҳам олиб боришаяпти.

Яқинда Навоий маданият ва санъат коллежида, филиал ташкил этилганлигининг 2 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва "Машҳура маликаси" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов унда иштирок этган талаба-ёшлар, устозлар, маҳаллалар фаолларида катта қизиқиш уйғотди. Негаки, филиалнинг навбатдаги битирувчиларидан бир гуруҳи танлов шартларини бажариш баробарида ўзи танлаган касб-ҳунарнинг устаси бўлишга интилаётганини, айни пайтда юксак дид ва маънавиятга, кенг дунёқараш ҳамда сиёсий билимга эга, энг муҳими — она-Ватан учун сидқидилдан меҳнат қилишга, фидойилик кўрсатишга тайёр эканлигини ҳам намойиш этди.

Ўқувчиларнинг севимли маскани

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

■ Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

Мазкур ҳужжат асосида юртимиз таълим муассасаларида кутубхоналар фаолияти такомиллаштирилаётир.

Замонавий технологиялар асосида иш олиб бораётган Гулистон академик лицейининг Ахборот-ресурс маркази 600 га яқин ўқувчи, 70 нафар ўқитувчи - мураббий ҳамда юздан зиёд фуқарога хизмат кўрсатмоқда. Марказда қарийб ўн беш минг бадиий ва илмий китоб фонди, ўттиз номдаги газета ва журналлар мавжуд. Олтмиш ўринга эга кўркам ўқув зали ҳамиша китобхонлар билан гавжум.

Марказ кўмагида замонавий педагогик технологиялар ва инновацион янгиликлар яратиш, ўқитувчилар илмий-услубий малакасини ошириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда маҳалла фаоллари, шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан мунтазам давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётир.

Академик лицейдаги Ахборот-ресурс маркази қисқа вақт ичида ёшларнинг севимли масканига айланди.

САЙЛОВ ОЛДИДАН

ҲАР қандай партия ва ҳаракат сайловчиларни ортидан эргаштира олиш ҳисобидан қонунчилик ҳокимиятига ўз вакилларини ўтказиш ва шу орқали ғояларини амалга оширишга интилади

O`ZLIDEP НОМЗОДЛАРИ

Ўз кучимизга ишонамиз

Ориф ШАРИПОВ, 1956 йил 18 июлда таваллуд топган. 1978 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетини тамомлаган. Оилали, 7 нафар фарзанди бор. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди. Айни пайтда O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси муовини вазифасида ишлаб келмоқда. 75-Зангиота сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод.

Дониёр КАМОЛ суҳбатлашди

Юртбошимизнинг "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак" деган пурмаъно гаплари замирида қанчалар чуқур маъно ётганлигини ҳис қилиш асло қийин эмас. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади — халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Сизнингча, бугунги тадбиркор нималарга кўпроқ эътибор бериши керак?

— Мустақиллик йилларида одамларда ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабат тубдан ўзгарди. Чунки эндиликда фаровон турмуш асоси — эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик эканлигини ҳамма англаб етди. Уларда мулкка эгалик ҳисси уйғониб, ўз кучига ишонч шаклланиб бормоқда. Бизнинг меҳнаткаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган, ўз турмушимизни ўз қўлимиз билан фаровон қилишга қодир халқ эканлигимизни бутун дунё билади.

Бугунги тадбиркор, аввало, қонунчиликни мукаммал билиши керак. Акс ҳолда у жуда кўплаб тўсиқларга дуч келиши, баъзан эса шу туфайли боши берк кўчага кириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу боис тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорлик ахлоқи ва маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Партиямиз олдида жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида унинг эртанги кунини таъминлаш вазифаси турганлигини назарда тутсак, бу масаланинг нечоғлик долзарблиги аён бўлади.

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини ташкил этишда ташаббускор гуруҳдан бошлаб Тошкент вилоят партия кенгаши раҳбарларидан бири лавозимида ишлаб келмоқдасиз. Ўтган йиллар давомида ҳудудий партия ташкилотларини ривожлантириш, бошланғич партия ташкилотлари мавқеини кучайтириш учун нима ишлар қилинди?

— Вилоятимизда айни пайтда O`zLiDePнинг 8390 нафар аъзоси 521 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашган. Уларнинг 1816 нафари тадбиркорлар ва фермерлар, 1237 нафари зиёлилар, 882 нафари маъмурий бошқарув ходимлари, 2471 нафари бошқа соҳа вакилларидир.

Ўтган йиллар давомида жойларда ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш, партиявий интизомни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, партиянинг қуйи тизими фаолияти устидан назоратни кучайтириш, сафларни кенгайтириш, БПТлар фаолиятини йўлга қўйиш доимий диққат марказимизда бўлиб қолмоқда. Аппарат ходимлари махсус жадвалга мувофиқ туманларга бориб, партия кенгашларининг ишини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам олдимизда турган муҳим масалалардан биридир. Бу борада кенгаш қошида кадрлар бўйича махсус комиссия фаолият юритмоқда. Шу даврда Чиноз, Бекобод, Бўка, Ўртачирчиқ ва Пискент туманларида партия кенгаши раислари, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раислари биринчи ўринбосарлари сиёсий жиҳатдан етук кадрлар билан алмаштирилди. Мана, бир йилдирки, кенгашимиз ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида БПТ раҳбарлари ва фаоллари учун доимий ўқув-семинарлар йўлга қўйилган. Шу кунгача 31 та мавзу бўйича амалий машғулотлар ўтказилди ва уларда кўплаб партия фаоллари сабоқ олишди.

Кенгаш ҳузуридаги комиссия томонидан кадрлар захирасини яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар орасидан етакчилик қобилиятига эга бўлганлар сараланиб, уларнинг сиёсий ва маънавий камолоти ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти.

— Юртимизда 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинди. Келаси йилда тадбиркорлар олдида бу соҳада қандай вазифалар турибди?

— 2007 йилда ҳомийликни, эзгу ва савоб ишларни яна давом эттириш керак. Аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари — болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофазалашга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Эл ишончи — мен учун муқаддас

Ғулом САФАРОВ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи, 25-Ибн Сино сайлов округи бўйича O`zLiDePдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

Бугун мамлакатимиз ҳаёти да чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар ҳар биримиздан алоҳида масъулият ва талабчанлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Зеро, давр руҳини қалбан ҳис этмай туриб, кўзланган мақсадларга тўла-тўкис эришиб бўлмайди. Юрт келажаги, халқ манфаати ҳамма нарсадан устунроқдир. Шундай экан, ўз олдимизга аниқ вазифаларни қўйиб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Мустақиллик шарофати билан турли сиёсий партиялар эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очилди. Улар бу имкониятдан фойдаланиб, омма орасига чуқурроқ кириб боришга, ўз ғоя ва дастурларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бошқача айтганда, ўзаро рақобат сиёсий фаолликка ундаяпти. O`zLiDePга келсак, унинг ҳам ўз олдига қўйган аниқ мақсадлари бор. Бу эса биз - фаоллардан катта масъулият талаб этади. Бинобарин, халқ бахт-саодати йўлида барча куч ва имкониятларни ишга солмоғимиз керак.

Худудий бошқармамиз, мана, бир неча йилдирки, вилоятда рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бу борада муайян натижаларга эришилди. Асосий эътибор мулкчилик тузилмаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, улар учун жойларда зарур шарт-шароитни вужудга келтиришга қаратилаётир. Вилоят иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси йил сайин ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас.

Албатта, халқ хўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқларга сиёсий жараёнлардан айри ҳолда қараб бўлмайди. Яъни улар ўзаро муштаракдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади".

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жойлардаги фаоллари ана шу сўзларни қалбга жо этиб, партиянинг ғоя ва мақсадларини омма онгига етказиш йўлида тиним билмаётирлар. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган Конституцион қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Лойиҳанинг мазмун-моҳияти билан танишган ҳар бир киши, ҳар бир партия аъзоси, энг аввало, сиёсий фаолият юритиш учун республикамизда кенг имкониятлар майдони очилаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Бу ҳам бўлса, демократик ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир.

Маълумки, яқинда сайлов округларида бўшаб қолган ўрин бўйича Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ҳадемай сайловолди учрашувлари бошланади. Уларда асосий эътибор тадбиркорлик субъектларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби масалаларга қаратилиши шубҳасиз. Зеро, бўлажак депутатлар парламентда айнан мулкдорлар ва кичик бизнес вакилларининг хоҳиш-иродасини ифода этишади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи 25-Ибн Сино округидан депутатликка менинг ҳам номзодим кўрсатилган. Бу, албатта, юксак ишонч, катта масъулият, демакдир. Депутатлик юкини кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Эл назарига тушиш учун биринчи навбатда ҳаёт билан ҳамқадам бўлиш, бурч туйғусини чуқур ҳис этиш, одамларнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш лозим, албатта. Агар депутатликка сайлангудек бўлсам, аниқ сиёсий мақсадлар йўлида сидқидилдан хизмат қилишни дилимга тугиб қўйганман. Баландпарвоз ваъдаларнинг даври ўтди. Эндиликда фақат амалий ишлар орқалигина сайловчиларнинг тўла ишончини қозониш мумкин. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

ТАНТАНА

Қўш байрам

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги байрами яна бир тантанага уланиб кетди. Шу куни Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли мусиқали драма театри биносининг очилиш маросими бўлди. Қайта таъмирдан чиқарилган, аввалгидан ҳам чирой очган, жаҳон андозаларига мос тушадиган янги кошонада мамлакатимизнинг Бош қомуси — Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов анжуман қатнашчиларини, театр биносининг очилиш маросимида иштирок этаётган пойтахтлик таниқли санъаткорларни байрам билан табриклади. Республика Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов тантана қатнашчиларини қизғин қутлади. Шундан сўнг вилоят прокурори Баҳодиржон Деҳқонов «Конституциямиз — истиқлолимиз қомуси» мавзуида маъруза қилди. У "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурига мувофиқ давлат ва нодавлат ташкилотлар, мурувватли тадбиркорлар томонидан 11 миллиард сўмлик маблағ эзгу ишларга сарфланганлигини таъкидлади. Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг чегара чизиғида яшаётган аҳоли учун 125 та янги уй, чегара ва божхона пости биноси қурилиб, фойдаланишга топширилиши, вилоят аҳолисини табиий газ, электр энергияси, ичимли сув билан таъминлаш кўзда тутилган мақсадли дастурлар асосида муайян ишлар олиб борилаётганлиги мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тобора қизғин тус олаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Андижон давлат университети 4-курс талабаси Шаҳноза Ҳолиқова бахтимиз қомусига бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари Юртбошимиз томонидан келгуси йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилингани ҳақидаги хушхабарни маъқуллаб кутиб олдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлган андижонликларга мукофотларни вилоят ҳокими А. Усмонов ҳамда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов топширдилар.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ўз Семюнг ко» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш директори, «Дўстлик» ордени соҳиби Вячеслав Ким, Андижон давлат тиббиёт институти доценти, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Жўрахон Саидхўжаева самимий миннатдорлик изҳор қилиб, Ватан равнақи йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратларини аямасликларини айтдилар.

Театр биноси қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган бунёдкорлардан бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди. Анжуман чинакам катта санъат шодиёнасига айланиб кетди. Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Теша Мўминов, Эркин Комилов, Ўринбой Нуралиев, Муяссар Раззоқова, Зулайхо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев, хонанда Озодбек Назарбеков ва қўшни вилоятлардан ташриф буюрган артистлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маънавият ва миллий ғоя

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Фарғона вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда ана шу масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Вилоят ҳокими А.Абдуллаев бошқарган йиғилишда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллиги муносабати билан ўтган тантанали йиғилишдаги маърузаси ҳамда жорий йилнинг 25 августида қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорида илгари сурилган масалалар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчилари вилоятда мазкур йўналишлар бўйича аниқ чора- тадбирлар белгиланиб, жойларда бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилаётганини, мамлакатимиз раҳбари томонидан 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлишини таъкидладилар. Вилоят Маънавият тарғибот маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти таҳлил қилинди. Меҳнат жамоалари, таълим-тарбия муассасалари, маҳаллаларда турли тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилаётгани қайд этилди. Аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини бойитиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, халққа, она Ватанга, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли оқимлар ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, бу борада ўз ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар ҳам анчагина. Айрим туманларда маънавият тарғибот бўлимларининг фаолияти бугунги талабларга жавоб бермайди.

Масалан, Фарғона ва Охунбобоев туманларида мавжуд бўлимлар алоҳида хоналар, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмаган.

Йиғилишда шу каби камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ҚОНУН устувор бўлган мамлакат обод бўлур

ЖАРАЁН

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Масъулиятсизлик

ОҚИБАТИДА ҚОНУН ИЖРОСИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНМАЯПТИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида иқтисодиётни эркинлаштириш, жойларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодга ўқиш, ишлаш учун кенг шароитлар яратиш масалаларини ўзининг устувор вазифалари этиб белгилаган ва уларни амалга ошириш йўлида партия бор имкониятларини ишга солмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг фаол иштирокида аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қонунларни тайёрлаш, мавжудларига тузатиш ва ўзгартишлар киритиш орқали ҳам партиянинг дастурий ғоялари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr» мухбири

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг ишчи гуруҳи Сурхондарё вилоятида бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни воҳада қай даражада амалга оширилаётганини ўрганиб қайтди. Мухбиримиз мазкур қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом НАСРИЕВ билан учрашиб, текширув натижалари хусусида суҳбатлашди.

— Маълумки, Сурхондарё мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик ҳудудлардан биридир. Айни пайтда, вилоят аҳолиси 1925,1 минг нафардан зиёдни ташкил этади. Шундан 990,8 минг нафари меҳнатга яроқли фуқаролардир. 651,7 минг нафари эса иқтисодий фаол аҳоли бўлиб, унинг 99,8 фоизи иш билан таъминланган.

Айтиш мумкинки, якунланаётган йилда юқорида таъкидланган қонуннинг 17-моддасига биноан вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан 2006-2007 йилларда аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий йўналишлари бўйича дастурлар қабул қилинган ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган. Лекин текширув натижаларидан маълум бўлишича, бу борада талай камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган.

Масалан, айни пайтда илк бор иш фаолиятини бошлаш арафасидаги ёшлар 28 минг, умумтаълим мактаблари битирувчилари 19259, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари 8616 нафарни ташкил этади. Бундан ташқари, турли сабабларга кўра иш билан банд бўлмаганлар сони 19529 та. Йил бошида вилоятда жами 58099 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлиб, вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган дастурда 35315 та янги иш ўрни яратиш белгиланган.

— Мавжуд кўрсаткич аввалги йиллар билан таққосланганда қандай ўзгаришлар кўзга ташланди?

— Қонун ижросининг таҳлили жараёнида маҳаллий давлат ҳокимликлари томонидан тузилган ҳудудий тармоқ дастурларини амалга ошириш устидан назорат талаб даражасида эмаслиги кузатилди. Масалан, вилоят ҳокимининг 2005 йил 10 январдаги "2005 йилга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш вилоят дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига биноан вилоят бўйича 32525 та, жумладан, тижорат банклари кредитлари ҳисобига 2112 та, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 972 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Амалда эса 2005 йилда банк кредитлари ҳисобига 1450 та, жамғарма маблағлари ҳисобига 803 та янги иш ўрни яратилган, холос. Ёки Қумқўрғон туманида кредит ресурслари ҳисобидан 120 та, давлат жамғармаси ҳисобидан 100 та иш ўрни яратиш режалаштирилганига қарамай, бор-йўғи 18 та янги иш ўрни очишга етарли кредит ресурслари ажратилган, холос.

2006 йилда эса иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармасига ажратилган қисми туманлардаги ишсизлик даражаси ҳисобга олинмай тақсимлангани ҳам таажжубланарлидир. Яъни умумий ажратилган 92 млн. сўмнинг 22,8 фоизи Сариосиё, 15 фоизи Олтинсой туманларига, 13 фоизи Термиз шаҳрига берилгани ҳолда бандлик даражаси паст бўлган Бойсун, Қумқўрғон, Шўрчи, Шеробод, Қизириқ, Бандихон туманлари бутунлай ёддан чиқарилган.

Кўриниб турибдики, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоятдаги бошқармаси тижорат банкларига ажратилган кредит ресурсларининг мақсадли фойдаланиши устидан етарли назорат ўрнатмаган.

— Умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг аҳволи қониқарлими?

— Афсуски, бу борадаги ишлар ҳам, содда қилиб айтганда, кўнгилдагидек эмас. Чунки ушбу умумдавлат аҳамиятига молик масала вилоятнинг аксарият туманларида талаб даражасида ҳал қилинмаган. 2005 йилда янги иш ўринлари очиш режаси вилоятда 119,7 фоиз қилиб бажарилгани ҳолда бу кўрсаткич Денов туманида 55,4 фоизни ташкил қилган, холос. Вилоятда жами иш билан банд бўлмаган фаол иш қидирувчиларнинг 36,4 фоизи меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштирилган. Бойсун, Қизириқ туманларида эса бу миқдор 20-20,2 фоизда қолиб кетган. 2006 йилнинг 8 ойи давомида янги иш ўринлари яратиш дастури вилоят бўйича 71 фоизга бажарилган. Аммо Узун туманида 64, Музрабод туманида 62,3, Бойсун туманида 56,8 фоизга адо этилган. Вилоят касб-ҳунар коллежлари, ўрта мактабларни битирган ёшларнинг иш билан таъминланишига етарли эътибор берилмагани туфайли 2005-2006 ўқув йилида ўрта, ўрта махсус маълумот олганларнинг қарийб 30 фоизи эътибордан четда қолган.

— Одатда янгидан ташкил этилаётган хўжалик субъектларига муайян миқдорда иш ўринлари яратиш шарти ҳам қўйилади...

— Тўғри, лекин афсуски, уларнинг кўпчилиги бугун ушбу шартга амал қилмаяпти, айримлари эса умуман фаолият юритмаяпти. Гуруҳга тақдим этилган маълумотларга кўра 2006 йил январь ҳолатига вилоятда чет эл маблағлари иштирокида ташкил этилган 50 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилган. Аммо айни пайтда уларнинг 7 таси фаолият кўрсатмаяпти. Термиз туманидаги "Юсуф Гулом Ҳайдар" қўшма корхонаси 36 ой, Олтинсой туманидаги "Ўз Молд" қўшма корхонаси эса 18 ойдан буён ишламаяпти.

Шунингдек, 2005 йилда юридик шахс мақомига эга бўлган 858 та тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Умуман олганда жорий йилнинг январь ойи ҳолатига 3134 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмаяпти.

Бундан ташқари, вилоятдаги айрим корхоналарга берилган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаётгани ҳам ана шу корхоналар раҳбарларининг лоқайдлиги ва эътиборсизлигидан бошқа нарса эмас. Масалан, Денов туманидаги "Акмалжон-Асад" савдо ишлаб чиқариш корхонасида 20 та иш ўрни ташкил этилиши лозим бўлгани ҳолда ҳақиқатда 5 та иш ўрни яратилган. Худди шунингдек, Денов туманидаги "Евро Гранд" хусусий корхонасида 18 та, "Сайёд" кўп тармоқли кичик корхонасида 16 та, Қизириқ туманидаги "Юлдуз" масъулияти чекланган жамиятида 30 та, Шеробод туманидаги "Н. Муродов" ширкат хўжалигида 5 та янги иш ўрни ташкил этилмасдан қолган.

Масъулиятсизлик шу даражага бориб етганки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505 сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ, Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти фуқароларининг чет элдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишларини амалга ошириш мақсадида Қарши шаҳрида минтақавий бюро ташкил этиш белгиланган бўлишига қарамай, бу муҳим иш ҳамон пайсалга солиб келинаяпти.

— Қўмита мазкур ҳолатни ўрганиб чиқиб, қандай хулосага келди?

— Масала тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги раҳбарлари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди. Юқорида тилга олинган ҳолатлардан ташқари яна қатор жиддий камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан 8 банддан иборат қарор қабул қилинди.

Ўйлайманки, давлат аҳамиятига молик муҳим вазифани амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар, албатта, тузатилади. Қўмита эса ўз навбатида 2007 йилнинг апрель ойида масалани яна бир карра кўриб чиқишни режалаштирмоқда.

ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Андижонда фермерлар учрашуви

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА, Сайёра ТУРҒУНБОЕВА

Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, бошқа вилоятларда фаолият юритаётган фермерлар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, уларнинг маслаҳатлари асосида дала-деҳқончилик ишларини намунали ташкил этишга кўмаклашишдан иборат эди.

Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларидан Андижонга ташриф буюрган жами 28 нафар таниқли фермер вилоятнинг 11 та туманида бўлиб, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бўлажак фермерлар билан учрашдилар.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятдаги кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар, агрофирмалар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш борасидаги ишларга танқидий баҳо берган эди. Вилоятнинг қатор туманларида бўлиб ўтган очиқ мулоқотлар давомида масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари, мутасадди вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари, сенаторлар, вилоятдаги кўзга кўринган фермерлар, ташкилий комиссиялар ва жамоатчилик кенгашлари раислари ҳамда фермерликка талабгорлар иштирок этган мазкур учрашувлар самимий ва очиқ мулоқотларга бой бўлди.

— Биз фермерларнинг катта бир камчилиги бор. Аксариятимиз айнан қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунлар ҳужжатларини қўлимизга ҳам олмаймиз. "Фермер хўжаликлари ҳақида"ги қонун қачон қабул қилинган, унда қандай талаблар, ҳуқуқларимиз белгиланган, бизга қандай имкониятлар берилган — шуларни яхши билмаймиз. Озгина қийналсак ёки сарсон бўлсак, билингки, бунинг барчаси ўз ҳуқуқларимизни билмаслигимиздандир. Бугун шуни очиқ айтиш керакки, далага бориб, даладан қайтиб келиб бекорга умр ўтказадиган давр ўтди. Энди биз том маънодаги ер эгасимиз. Муносабат ҳам шунга яраша бўлиши керак. Фермернинг асосий иш қуроли кетмон эмас, қонун, — дейди сардобалик фермер Асатулла Ҳакимов.

— Бугун ишни кўзини билган ва юртимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни тўғри англаб етган одамгина фермер бўлиши мумкин. Чунки қишлоқнинг бугунги эгаси — бу фермер. У нафақат ер эгаси, балки у ердаги саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳам эгасидир, — деди қашқадарёлик "Шариф бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ашурбой Шарипов. — Хўжалигимизда бугунги кунда 160 бош қорамол бор. Уч йил илгари кредитга 52 млн. сўмлик гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологияни сотиб олгандик. Бу қўшимча иш ўринларини яратиш билан бирга маҳсулот турини кўпайтириш ва ўз навбатида даромадимизнинг ҳам сезиларли даражада ўсишига олиб келди. Ҳисоб-китобларимиз эса 5 йил муддатга олган қарзимизни белгиланган муддатидан олдин қайтариш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Нишонлик 24 яшар фермер Шуҳрат Умаров эса ишни бизнес-режа асосида юритиш, ҳисоб-китобни аниқ олиб бориш, менежмент, яъни бошқарувни тўғри ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

— Учрашувга келишдан аввал яна маърузабозлик ва навбатдаги топшириқларни олсак керак, деган фикрда эдим. Дастлабки дақиқалардаёқ хато қилганимни англадим, — дейди тадбирдан таъсирланиб чиққан олтинкўллик фермер Дилбар Охунова. — Мен хўжалик ишини ривожлантириш учун банкдан кредит олиш ниятим бор эдию, уни қайтариш шартларидан чўчиётгандим. Бу борада фермерлар учун яратилган имтиёзлардан бехабар эканман. Бугундан бошлаб астойдил ишга киришаман.

— Ростини айтсам, учрашувларимиз қисқа бўлса-да, жуда кўп маълумотлар олишга улгурдим. Фермерлар учун мана шундай учрашувларни ўтказиб туриш керак экан, — дейди шаҳрихонлик фермер Давлатбек Ўринов.

— Андижонда ер майдонлари кам. Лекин шунга қарамай, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришдаги улуши 10 фоизга яқин. Тежамкорлик асосида мўл ҳосил олишни андижонликлардан ўрганиш керак, бу борадаги тажрибада андижонликларга тенг келадигани бўлмаса керак, — деди биз билан суҳбатда Жиззах вилоятининг Арнасой туманидан келган Рустам Ўтабоев.

Айни пайтда вилоятда 65 та ширкат хўжалигини тугатиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. 11 та туманда 1775 та лойиҳа бўйича тендер танловлари ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Мутахассислар танловлар асосан Избоскан, Олтинкўл, Шаҳрихон ва Балиқчи туманларида бўлиб ўтишини алоҳида таъкидламоқдалар. Бир сўз билан айтганда 58 минг 357 гектар суғориладиган ер, 2 минг 547 гектар боғ, 402 гектар токзор, 1 минг 467 гектар тутзор том маънода ҳақиқий эгалари қўлига топширилади.

Айни пайтда Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг Андижон халқига бўлган юксак эътибори барча соҳада туб бурилишлар ясаш имконини бермоқда. Бўлажак фермерларни қўллаб-қувватлаш, тендер танловларини ҳалол, очиқ-ошкора, қонуний асосларда ўтказиш учун барча имкониятлар жалб этилмоқда. Вилоятда фаолият юритаётган ва келажакда фермерликка талабгорларга ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйишлари учун банк, солиқ ходимлари ва иқтисодчилардан иборат махсус гуруҳларнинг ёрдам беришидан тортиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари ҳам бўлиб ўтган йиғилишларда алоҳида муҳокама қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Андижондаги учрашувлар ва ўзаро мулоқотлар барчада катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, фермерлар юртимиздаги ислоҳотлар таянчи эканлиги яна бир карра ўз исботини топди. Унинг иштирокчилари тадбир ташаббускори бўлган O`zLiDeP, ЎзФХУ ва Андижон вилояти ҳокимлигига самимий миннатдорчилик бидирдилар.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

Жавобларни «ALAFIA» адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Уй рўйхатида йўқ келин

"Қизим турмушга чиққанига икки йил бўлди. Неварамиз ҳам бор. Оиласи билан тинч яшайди. Унинг бахтини кўриб, қувонаман. Лекин хавотирим шундаки, негадир орадан шунча вақт ўтганига қарамай, уни уй рўйхатига қўйишмади. Қизимдан сўрасам, "билмасам" дейди. Рўйхатда турмай яшаш ҳам мумкинми?

Муниса ҲАЙДАРОВА. Тошкент шаҳри".

— Тўғри, кейинги вақтларда квартира, уй мулкдорлари турар жойга даъвогарлик қилмасин, дея баъзан ўз келинларини уй рўйхатига киритмаяптилар.

Аммо ўзаро низо келиб чиққанида судлар бу ҳолатни албатта инобатга олишади.

Агар турар жойда яшаганлик фактини тасдиқловчи далолатнома қўшнилар томонидан тузилиб, фуқаролар йиғини, уй қўмитаси раиси имзо қўйган ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи муҳри билан тасдиқланган бўлса, у қонуний ҳужжат ҳисобланади.

Оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинса...

"Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Бир қўшнимиз доимо ичади, маст ҳолда вояга етмаган ўғлини кўпинча ҳақоратлаб, унга тинчлик бермайди. Боланинг онаси эса икки йил олдин вафот этган. Шунинг учун у ҳимоясиз қолиб, отаси ичиб келган кун кўчада юради. Маҳалламиз фаоллари уни бир неча бор инсофга чақирди, лекин фойдаси бўлмаяпти. Энди биз уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини қўймоқчимиз, шу тўғрими?

Акром ҚОРАБОЕВ. Тошкент шаҳри".

— Оила тўғрисидаги қонунда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳоллари белгиланган бўлиб, жумладан, улар ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилсалар, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлсалар, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар, бу чора қўлланилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Бу ишлар ота-онанинг, уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик, ҳомийлик органлари ва бошқалар) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Процессуал муддатлар қандай белгиланади?

"Фуқаролик ишларини юритишда процессуал муддатларга риоя этиш суд ҳокимиятини амалга оширувчи барча босқичдаги судлар учун ҳам, ишда иштирок этувчи шахслар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу муддатлар қандай асосларга кўра белгиланади?

Валижон ШЕРАЛИЕВ. Қўқон шаҳри".

— Процессуал муддатлар дейилганда, бажариладиган ёки бажаралиши керак бўлган процессуал ҳаракатлар ижроси учун қонун ёки суд томонидан белгиланган вақт назарда тутилади.

ФПКнинг 131-моддасида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари белгиланган. Унга кўра ишни судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримга биноан кечиктирилиб, 20 кунгача узайтирилиши мумкин.

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзғатилган ишлар, агар тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса 20 кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

МУНОСАБАТ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ чуқурлашуви, бозор иқтисодиёти муносабатларининг жамиятимиздан янада кенгроқ ўрин олиши тадбиркорларга бўлган эскича қарашлар камайишига хизмат қилмоқда

МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯ

Ҳалол тадбиркор

ҲАМИША ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

■ **Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ,**
Самарқанд вилоят хўжалик судининг раиси

Мана шундай амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, республикамиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда кичик ва хусусий бизнес субъектларининг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур фармон қабул қилингунга қадар турли назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш ёки маълум муддатга тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни чеклаш, молиявий санкциялар қўлланиш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш каби ҳуқуқий таъсир чоралари амалга ошириб келинган. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига нисбатан тазйиқ ўтказилишига, асоссиз жарималарнинг қўлланилишига олиб келган ва пировард-натижада тадбиркорлар судларга мурожаат этишга мажбур бўлишган.

2005 йил 1 июлдан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилгач, аҳвол кескин ўзгарди. Ўтган давр мобайнида Самарқанд вилоят хўжалик судига ушбу Фармоннинг ижроси билан боғлиқ низоларга оид прокуратура, давлат солиқ идоралари ва назорат қилувчи бошқа органлар томонидан жами 4266 та ариза киритилди. Улар асосида банкдаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга оид 3404 та, молиявий санкцияларни қўлланишга оид 557 та, лицензияларни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйишга оид 10 та, амал қилишни тугатишга оид 1 та, бекор қилишга оид 6 та хўжалик низолари бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтаб қўйиш юзасидан кўриб чиқилган 3404 та ҳолатнинг 2500 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилди, 640 та ҳолат бўйича эса рад этилди. Молиявий санкцияларни қўлланиш бўйича кўриб чиқилган 557 та ишдан 448 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилиб, айбдорларга нисбатан 90614 млн. сўмлик жарима қўлланилди, 65 та ҳолат бўйича 13478 млн. сўмлик даъво эса асоссиз деб топилди.

Масалан, Пайариқ туман Давлат солиқ инспекцияси хусусий тадбиркор Фурқат Янгибоевга нисбатан 940000 сўм молиявий санкция қўлланиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилганди. Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши ҳудудий бўлими билан келишилган ҳолда ўтказилиши, текшириш якуни бўйича тузилган далолатнома қатъий ҳисобда турадиган ва белгиланган тартибда рақамланган бўлиши, ушбу далолатномада назорат қилишда иштирок этган шахснинг исми, шарифи, фамилияси кўрсатилиши, тадбиркор мазкур далолатномани имзолаши шартлиги, далолатнома ва бўйруқ нусхалари хусусий тадбиркор Фурқат Янгибоевга тилхат орқали топширилиши лозимлигига қарамасдан, белгилаб қўйилган тартиб қўпол равишда бузилган. Шу боис суд текширув натижалари "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддаси, Олий суд пленумининг "Назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини амалиётда қўлланишнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорининг 7-банди талабларига риоя қилинмай расмийлаштирилганлиги учун даъвони қаноатлантиришни рад этди.

Ариза талаблари рад этилган ишлар сонига қараб ёки юқоридаги мисол асосида тадбиркор ҳар доим ҳақ деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки бундай ҳолатлар жуда оз бўлиб, талабларнинг аксарият қисми ҳуқуқбузар томонидан ўз айбига иқрорлиги, қўшимча ҳисобланган мажбурий тўловларни ўз ихтиёри билан тўлаганлиги сабаб рад этилганини ҳам назарда тутиш лозим.

Яна шуни ҳам очиқ айтиш керакки, баъзи тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари амалдаги қонунлар талабларини теран англаб етмай, хатога йўл қўйишса, бошқалари мавжуд қонунларга беписандлик муносабатда бўлишаяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан жиноий жазоларни либераллаштириш, айнан иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахслар етказилган зарарни қоплаган ҳолларда уларга нисбатан қамоқдан ташқари жазо чораларини қўлланиш каби инсонпарварлик нуқтаи назаридан берилаётган имкониятларни суиистеъмол қилаётган тадбиркорлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бундай қўштирноқ ичидаги ишбилармонлар шуни очиқ-ойдин билиб олишлари лозим: амалдаги қонунлар талабига тўлиқ риоя этилмас экан, қилмишларига яраша қатъий жазо чоралари кўрилади, албатта. Мақсадимиз йўл қўйилган камчиликларни қайд этиш, қаноатлантирилаётган ёки рад этилаётган талабларни санаб ўтиш эмас, аксинча, қонунларни менсимасликка, тадбиркорлик ниқоби остида сохта бойлик орттиришга интилаётган айрим шахслар эътиборини давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ҳаракатдаги қонунларга оғишмай амал қилиш зарурлигига, акс ҳолда, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун қонунда белгиланган жазо чоралари қўлланилиши муқаррар эканлигини яна бир карра эслатиб қўйишдир.

ЕРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИ

Бировларникидан кам бўлмаган ҳовлижой, оқила рафиқа ва ширинданшакар фарзандлар, энг муҳими — халқ дуосини олиб эл орасида обрў топиш...

Ўзи туғилиб ўсган юртининг эртасини ўйлаб, озми-кўпми, халқ корига яраётган инсон учун бундан ортиқ бахт борми?

Жумабозорлик муаллим фермер

■ **Лола БЕШИМОВА**

Бир тарафи Қизилқум кенгликларига туташган Олот туманидаги Жумабозор қишлоғида уни ҳамма "муаллим" деб атайди. Ҳозирги кунда донги кетган фермер бўлишига қарамай, унинг ҳурмати ана шу ном билан боғлиқ. Сабаби — оддий. У 25 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида тумандаги 22-мактабда ёшларга сабоқ берди. Шу боис шогирдлари бисёр, эл ичида ҳурмати баланд.

Муаллим туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги тузди. 2005 йили эса ширкат хўжаликларини тугатиш ва улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳақидаги қарордан кейин тендерда иштирок этиб, яна 17 гектар экинзор ва 10 гектар яйловга эга бўлди.

Кузда ва қишда чекилган захмат, баҳордаги ҳаракат бесамар кетмади. Фермер хўжалиги биринчи йилдаёқ пахтадан 21,7 тонна, буғдойдан эса 34,6 тонна ҳосил етиштириб, юзини ёруғ қилди. Умумий даромад 16 млн. сўмдан ортиб кетди. Даромад ҳисобидан фермер хўжалигига ерни экиш ва ҳайдаш учун техника воситалари сотиб олди. Ўзи ўқиган ва таълим берган 22-мактабга ҳомийлик қилди.

Чўлга яқин ва шўрланиш даражаси юқори бўлганлиги сабабли йилдан-йилга мелиоратив аҳволи ёмонлашаётган ерга ўз вақтида берилган



ишлов натижасида ҳосилдорлик ҳам яхшиланди.

2006 йилда 36,4 тонна дон ва 19,7 тонна пахта хирмони уйиб, маррага биринчилар қаторида етиб келди. Ҳам ўзининг, ҳам ишчиларининг дастурхони тўкин-сочин бўлди. Кўрилган фойда ҳисобига ҳайдов тракторлари, "Дамас" автомашинаси сотиб олди. Ўшанда Жумабозор ва Кесакли қишлоқларига қатнаш мушкул пайтлар эди. Туман марказидан 20 км. узоқда жойлашган Кесакли қишлоғи аҳолисининг қишин-ёзин соатлаб транспорт кутишларига барҳам бериш мақсадида шаҳар атрофи, шаҳарлараро, вилоят ички транспорт йўналишларини йўлга қўйиш учун ўтказилган очиқ тендерда иштирок этиб, "Олот бош бекати-Зарафшон" йўналишида йўловчиларни микроавтобусда ташиш ҳуқуқини қўлга киритди. Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қарорига асосан фермер хўжалигига қарашли автомашиналарга лицензия олинди ва 2006 йил 1 апрелдан 11 та "Дамас" йўлга чиқарила бошланди. Бугунги кунда "Зарафшон-Олот" йўналишида, бир дақиқа бўлсин, транспорт қатнови тинмайди.

— Йўналиш қатновидан тушган пулларга тез орада йўлларимизни таъмирламоқчимиз, — дейди Юсуф Тоғаев. — Фақат ҳозир ёмғирлар мавсуми бошлангани боис ишимиз сал орқага сурилмоқда. Банкдаги ҳисоб рақамимизда бунга етарли маблағимиз бор...

Юсуф ака биз билан хайрлашаётган чоғимизда уфққа қизариб ботаётган қуёшни тўсиб келаётган булутларга хавотирлик билан қараб қўйди. Эҳтимол, ғўзапояси йиғиштирилаётган даласи ёки ёмғирли кунларда қатновни қийинлаштираётган ўнқир-чўнқир йўллар кўз олдидан ўтгандир. Чекка қишлоқда юраги тўла орзу-умидлар билан яшаётган бу инсоннинг юзида чарчоқ кўринса-да, у барибир бахтли эди.

ФОТОАЙБНОМА

Бозорчага айланган бекатлар

СОЛИҚЧИЛАР НАЗАРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА

■ **Биродар КИМСАН, «XXI asr» мухбири**

Пойтахтимизда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида йилнинг ҳар қандай мавсуми талабларига жавоб берадиган йўл бекатлари қуришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу иншоотлар сизу бизни ёзда қуёш тиғи, қишда ёғин-сочиндан ҳимоя қилиш билан бирга кўчаларимиз кўркига кўрк ҳам бағишлаб турибди.

Афсуски, ана шу қулайликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланаётган, санитария талабларига хилоф равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, турли пиширириқлар сотаётган "ишбилармонлар" йўловчиларни бир четга суриб қўйиб, бекатларга бекалик қилмоқдалар. Уларнинг аксарияти бунинг учун тегишли ташкилотлар рухсатига эга эмаслар. Буни ҳамма билади. Лекин бевосита мутасадди идоралар вакиллари, хусусан, солиқ инспекциялари ходимлари шаҳримиз солиқ тўловчиларининг нафсониятига тегаётган бундай ҳолатлардан бехабар кўринадилар. Акс ҳолда Ҳамза туманидаги Кадишев ҳамда Шолохов, Лисунова кўчалари кесишган жойдаги аллақачон бозорчага айланиб улгурган бекатларда тартиб ўрнатишган, Чкалов, Кадишев шоҳ бекатларида авжига чиққан ноқонуний савдо нуқталарига чек қўйган бўлардилар.

Бундай нохуш кўринишларнинг олдини олишга мутасадди ҳисобланган санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, ИИБ участка нозирлари ҳам афсуски, бекатлардаги аҳволни кўриб, кўрмаганга олаяптилар. Натижада қишли-қировли кунларда йўловчилар транспорт воситаларини ўзлари учун аталган жойда эмас, бекатлар атрофида кутишга мажбур бўлишаяпти.

Шухрат РАҲИМОВ олган суратлар

МАНФААТПАРАСТЛИК
устидан қозонилган ғалаба
энг шарафли ғалабадир

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АҚШ-ҲИНДИСТОН

Манфаат ва яна бир карра манфаат «қайғу»си

ЁКИ ҚЎШ СТАНДАРТЛАРНИНГ АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАЁТГАНИ ХУСУСИДА

ИНСОНИЯТ КЕЙИНГИ 5,5 МИНГ ЙИЛ ИЧИДА 15 МИНГДАН ЗИЁД ТУРЛИ ҚИРҒИНБАРОТ УРУШЛАРНИ ЎЗ БОШИДАН КЕЧИРГАН БЎЛСА, УЛАРДА 3,5 МИЛЛИАРД КИШИ ҚУРБОН БЎЛГАНИ, ИНСОНИЯТ ШУ ДАВРДА БОР-ЙЎҒИ 292 ЙИЛ УРУШСИЗ ЯШАГАНИ ҲАМ УРУШЛАР ДАВРИДА МАНФААТ ДЕГАН НАРСА АСОСИЙ ҚУРОЛГА АЙЛАНИШИНИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.

■ Умид АРСЛОНБЕКОВ

ХОЛИС ФИКР

Бугунги кунда дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган шунчалик кўп жиддий ва мураккаб масалалар борки, улар бутун жаҳон жамоатчилигининг доимий диққат-эътиборида турибди. Айниқса, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига чек қўйиш, ядро қуролидан ҳоли ҳудудларни ташкил этиш, инсониятнинг эртанги кунини шубҳа ва ишончсизликларга кўмувчи бундай қуроллар халқаро террорчилар қўлига тушиб қолишининг олдини олиш ҳам инсоният олдида турган ана шундай нозик ва айни пайтда ўта жиддий муаммолардан, десак, хато қилмаган бўламиз. Ҳозирги пайтда сайёрамизнинг турли ҳудудларида сақланаётган 12 мингдан зиёд ядро каллаклари инсониятни бир неча маротаба йўқ қилиб ташлашга қодирлигининг ўзиёқ хавотирлар асоссиз эмаслигини кўрсатади. Маълумотларда қайд этилишича, чиндан ҳам кейинги 5,5 минг йил давомида сайёрамиз узра 15 мингта турли-туман урушлар рўй беган. Бу қирғинбаротларда 3,5 миллиард одамнинг ёстиғи қуриган. Ҳисоб-китобларга қараганда, инсоният бор-йўғи 292 йил урушсиз яшаган, холос. Ана сизга тарихий ҳақиқат. Ана сизга хатарли натижа. Аммо шунча аламларни бошидан кечирган одамзот баъзи бир шахсларнинг узоқни кўра билмаган, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан юқори қўяётгани боис ҳамон тинчлик деб аталмиш бойликни қўлга киритолмаяпти. Чунки уруш ҳанузгача кимларгадир моддий манфаатлар келтираяпти. Айрим мамлакатлар манфаати минг-минглаб бегунох одамлар ҳаётидан, орзу-умидларидан устунлик қилмоқда, миллионлаб инсонлар ана шу манфаат туфайли ҳам очлик, қашшоқлик, ишсизлик домидан қутула олмаяпти. Афсуски, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли ташкилот ҳам манфаат ва инсон умри ўртасидаги тафовутни белгилаб беришда кучсизлик қилмоқда. Инсониятни қийнаётган ана шу муаммоларни ҳал этишда ўзини кўрсата олмай турли қийинчилик ва тўсиқларга дуч келаяпти.

АҚШ Конгрессининг Ҳиндистон ядровий қудратини ошириш борасидаги президент Жорж Буш интилишларини қўллаб-қувватлаши ҳақида сўз борганида беихтиёр юқоридаги фикрлар кўнгилдан кечади. Қонун чиқарувчилар АҚШ ва Ҳиндистоннинг ядровий технологиялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувини маъқуллаганликларининг туб сабаби ҳам, юқорида таъкидлангандек, манфаатдан бошқа нарса эмас. Бу, оддий қилиб айтганда, ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги машҳур шартномани писанд қилмаслик ёки қўш стандартлар сиёсати оқибатларидан тўғри хулоса чиқармаслик натижаси, холос. Тўғри, Ҳиндистон Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага қўшилмаган. Аммо АҚШ қонунлари бу битимни имзоламаган давлатларга ядровий ёнилғи ва технологиялар етказиб беришни тақиқлашини инобатга олсак, масала ойдинлашади. Ваҳоланки, Эроннинг шартномани имзолагани, тинч мақсадлар йўлида ядровий дастурини ривожлантиришга интилаётганига қарамай, Вашингтоннинг жазо чораларига йўлиқаётгани ва айни пайтда ҳам халқаро санкциялар қуршовида қолиш хавфи билан яшаётгани таажжубланарли ҳол, албатта. Шубҳасиз, ўзининг улкан манфаатлари мавжуд бўлган мамлакатлар хоҳиш-иродасини инобатга олиш, ўзига номақбул мамлакатлар ва тузумларнинг интилишларига рўйхушлик бермаслик Американинг иккиюзламачилигидан бошқа нарса эмас.

М. ЮСУПОВ коллажи

Ҳиндистонга ядро ёнилғилари ва реакторларини келтириш дастурлари ҳам "айсберг"нинг тўлқинлар юзидаги кўриниши, холос. Унинг остида эса АҚШ учун ўта муҳим бўлган моддий манфаатлар яшириниб ётганини кузатувчилар бежиз таъкидламаётирлар.

Маълумки, Ҳиндистон ҳудудида ядро синовлари ўтказилганидан сўнг роппа-роса ўттиз йил ўтиб, аниқроғи, — 1998 йилнинг май ойида ўзини ядровий давлат дея эълон қилганди. Ўшанда АҚШнинг ядро клубига кирган янги аъзонинг хатти-ҳаракатларига нисбатан муносабати ниҳоятда кескин ва қатъий бўлганлигини жаҳон жамоатчилиги ёддан чиқаргани йўқ, албатта. Вашингтон ўшанда ҳеч бир иккиланишларсиз, деярли баб-баробар ядро синовлари ўтказган Покистонга нисбатан ҳам, Ҳиндистонга нисбатан ҳам радиоактив хом ашё ва зарур технологиялар етказиб беришга мораторий ва санкциялар жорий қилганди.

Аммо расмий Деҳлининг дунёдаги бошқа етакчи мамлакатлар билан ядровий технологиялардан тинч мақсадларда фойдаланиш борасида ҳамкорликни давом эттириши, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти нуфузининг ошиши, энергетик захираларнинг асосан Осиё минтақаси ҳудудида тўпланганлиги, 1 млрд. 200 миллионли бозорнинг бошқалар томонидан ўзлаштирилаётгани Вашингтонни хавотирга солибгина қолмай, 2005 йилда "ўзининг қатъий фикри"дан қайтишига ҳам олиб келди. Энди Оқ уй маъмурияти етарли ядровий салоҳиятга эга Деҳлини жаҳон афкор оммаси учун хавф келтирмайдиган, демократик, авф этишга муносиб ҳамда хатти-ҳаракатларини рағбатлантиришга лойиқ давлат, дея олқишлаётганини тушуниш унчалар қийин эмас, албатта.

Тўғри, бугунги кунда Ҳиндистон минтақадаги умумий вазиятга таъсир кўрсата оладиган, иқтисодиёти муттасил ўсиб бораётган, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига муносиб номзод бўлган давлатлардан бирига айланди. У билан кўплаб мамлакатлар ҳамкорлик қилишга тайёр. Аммо Вашингтон мақсадлари ҳар доимгидек "ўзига хос"лигини эътибордан қочирмаслик лозим. Ҳиндистон билан яқинлашув АҚШга, энг аввало, ядровий ёнилғи савдосидан мўмай фойда кўриш имконини беради. Иккинчидан, АҚШнинг Ҳиндистон билан ўзаро яқинлашуви Америка компанияларининг шиддат билан ривожланиб бораётган Ҳиндистоннинг улкан бозорига имтиёзли асосда кириш, кўчмас мулк ва банк хизматларига, фуқаро самолётлари ва жанговар техника сотиб олишга маблағ киритиш учун кенг йўллар очади. Бунинг учун аллақачон шошилинч ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилди. Масалан, АҚШдаги йирик супермаркетлар тармоғи — WAL MART Ҳиндистоннинг чакана савдо тармоғини ўзлаштириш хусусидаги улкан режасини эълон қилган бўлса, "Боинг" корпорацияси 68 та йўловчи ташиш ҳаво кемасини етказиб бериш ҳақида шартномани имзолаб улгурди. Ҳинд қуролли кучлари эса Пентагоннинг жанговар кема ва вертолётларидан бир неча туркумини сотиб олишга қарор қилди. Олдинда яна бир ғоят йирик манфаатли келишув савлат тўкиб турибди, дейиш мумкин. У ҳам бўлса 126 та қирувчи самолёт етказиб бериш бўйича умумий қиймати 6 млрд. долларга тенг бўлган тендер танловининг эълон қилинганидир. АҚШ Мудофаа вазирлигининг дастлабки босқичда самолётлар билан бирга айрим махфий технологияларни бериш таклифи ҳам борки, у ҳам бўлса, ягона мақсадга — Ҳиндистон қурол бозоридан Россияни қисиб чиқаришга қаратилгандир.

Юқорида тилга олинган мисоллар Вашингтоннинг Деҳлига нисбатан ўз сиёсатини ўзгартиришига сабаб бўлган ягона омил эмас, албатта. Танганинг орқа томони ҳам бор, деганларидек, АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг Осиё мамлакатлари бўйлаб сўнгги сафари чоғида Хитойнинг дунёда ортиб бораётган сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий қудратидан хавотирланганини бир ёдга олайлик. Мутахассислар таъкидлаганидек, XXI асрнинг иқтисодий манзарасини белгилаб берадиган энергия захиралари асосан Евроосиё минтақасида жойлашган. Вашингтонга эса Осиё ва унинг бойликлари устидан назорат ўрнатиш, энергия захираларини жаҳон бозорига олиб чиқишнинг муқобил йўлларини ишга туширишда Хитой муносиб рақиб бўлиши мумкинлигини инобатга олсак, АҚШ Ҳиндистон тимсолида ўзига бежиз иттифоқчи изламаётгани аён бўлади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бундан буён АҚШ ҳам, Хитой ҳам, Ҳиндистон ҳам энергетик хавфсизлик соҳасида ташқи етказиб берувчи давлатларга доимо эҳтиёж сезиб яшайди. Мана, бир мисол. Нефть хом ашёсининг тахминан чорак қисми Америкага асосан Яқин Шарқдан келтирилади. Ҳиндистон ҳам нефтга бўлган эҳтиёжининг 75 фоизини импорт эвазига қоплайди. Кузатувчиларнинг фикрича, деярли бир хил аҳоли ва ҳарбий қудратга эга бўлган Хитой ва Ҳиндистонни бир-бирига қарши қўйиш, шу йўл билангина уларни заифлаштириш орқали АҚШ қитъада гегемонликни сақлаб қолиш пайида бўлаяпти.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Америка Конгресси маъқуллаган АҚШ ва Ҳиндистон ўртасида ядровий ҳамкорлик тўғрисидаги келишув Вашингтон ва Деҳли ўртасидаги стратегик шерикчилик кўринишида Жанубий Осиёдаги янги геосиёсий реалликни юзага келтирди. Бу эса Ҳиндистоннинг азалий рақиби Покистоннинг ҳам ядровий технологияларни ривожлантиришга ва қуролланиш пойгасига зўр бериши мумкинлигини кўрсатади, албатта. Конгрессдаги овоз беришлардан бор-йўғи бир неча соат ўтгач, Исломобод такомиллаштирилган ва ядро қуролини ташишга қодир "ХАТФ-3" русумли тактик ракетани синовдан ўтказгани бунинг ёрқин далилидир. Покистоннинг Хавфсизлик масалалари бўйича етакчи таҳлилчилардан бири Талъат Масъуд таъкидлашича, Американинг янги қонуни Покистонни хавфсизлик масалаларига янада жиддийроқ эътибор беришга мажбур этади. Чунки мазкур ҳужжатга мувофиқ АҚШ Ҳиндистонни ядровий ёнилғи билан таъминлабгина қолмай, мамлакатда 8 та янги ядровий реактор қуриш имкониятини ҳам яратиб беради. Бу ҳол, шубҳасиз, Шимолий Корея ва Эронни, ҳар қандай дўқ-пўписаларга қарамай, ядровий дастурларини янада ривожлантиришга ундайди, Ҳиндистон-Покистон, Хитой-Ҳиндистон муносабатларига эса соя солади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Ҳиндистон ва Покистон муносабатларига Жамму ва Кашмир можароси хавф солиб турган, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳудудий низонинг ечими топилмаётган бир шароитда учинчи бир мамлакат қутқуси билан яна бир зиддиятни пайдо қилиш ўнглаб бўлмас оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай хулосани халқаро кузатувчилар бежиз баён қилаётганлари йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, агар Деҳли ва Исломобод бир-бирларига қарши ядровий қуролни ишга солсалар, ҳар икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудларида истиқомат қилаётган ўн миллиондан ортиқ кишилар қурбон бўладилар. Тўғри, Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ Конгресси қабул қилган ва Буш томонидан имзоланиши кутилаётган қонун лойиҳасига билдирган муносабати Деҳлининг ўзгалар кўрсатмаси асосида иш юритмаслигидан далолат бераяпти. "Бошқа мамлакатда ҳаётга жорий этилган қонунчилик бизнинг фақат миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсат олиб боришдек суверен ҳуқуқимиздан маҳрум қила олмайди", дейилади ушбу ҳужжатда. Аммо уни шунчаки дипломатик муроса йўлидаги бир уриниш дея баҳолаш ҳам мумкин. Бугунги кескинликларга бой бўлган сиёсий жараёнларда ҳар қандай баёнот ҳам манфаатга бўйсунишини асослаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

ЯПОНИЯ

Мақсад — ватанпарварларни тарбиялаш

Япония таълим вазири Буммэй Ибуки болаларни ватанпарварлик ва мамлакатнинг ноёб анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш лозим, деб ҳисобламоқда.

— Моддий фаровонлик японларнинг жамоавий онгини издан чиқарди. Шу боис биз юртимизга, айниқса, унинг тарихи ва маданиятига бўлган муҳаббат кучини мустаҳкамлашни истаймиз,— деди вазир Токиодаги хорижий мухбирлар клубида сўзлаган нутқида. Унинг фикрича, урушдан кейинги олтмиш йиллик фаровонлик болаларда оила ва маънавий қадриятларни ҳурматлаш даражасини пасайтириб юборди. Ибуки ҳукумат урушгача мавжуд бўлган таълим тизимини тиклаш ниятида, деган гапни рад этди. Ўша тизим ёш авлодни император учун кураш йўлида ўлимга тайёрлашдан иборат бўлган. Вазир бугунги кунда бундай тартибни тиклашга ҳожат йўқлигини тан олди. Ноябрь ойида Япония парламентининг қуйи палатаси миллийлик руҳи кучайтирилган таълим тўғрисидаги қонунни қабул қилган эди. Бош вазир Синзо Абэ бир неча бор таъкидлаганидек, ислоҳот маънавий таназзулни бартараф этишга, ёшларда ватан ва халққа муҳаббатни кучайтиришга қаратилади.

БМТ



Бош котибнинг хайрлашув нутқи

БМТ Бош котиби Кофи Аннан душанба куни ўзининг хайрлашув нутқида Америка маъмуриятининг ташқи сиёсатини танқид қилди, деб ёзади Британиянинг The Time газетаси.

Хусусан, Аннан АҚШни террорчиликка қарши уруш олиб борилаётган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ва қонунларни бузаётганликда айблади. "Инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлиги глобал хавфсизлик ва фаровонлик учун ҳаётий аҳамиятга эга. АҚШ ўзининг ғоя ва мақсадларини бузар экан, бундан унинг бутун дунёдаги дўстларида саросима ва тушкунлик пайдо бўлди. Қонун тамойиллари ва инсон ҳуқуқларига садоқат террорчиликка қарши курашда ҳам сақланиб қолиши керак",— деди Кофи Аннан.

АРКТИКА

Абадий музлик чекинмоқда

АҚШ ва канадалик тадқиқотчилар гуруҳи Арктика музликларининг жуда тез суръатларда эриб бораётганидан далолат берувчи янги ташвишли далилларни аниқлади. Сан-Францискодаги геофизик иттифоқ йиғилишида эълон қилинган маълумотларга қараганда, 2040 йилга бориб, Арктикада йил давомида эримайдиган музликлар қолмайди. Бирор-бир чора кўрилмаса, кейин вазиятни ўнглаш амри-маҳол бўлади. Шу йилнинг ноябрь ойида Арктиканинг шельф музликлари одатдагидан 2 миллион кв.км. га камайган. Мутахассислар айтишларича, муз тепасидаги тобора кенгайиб бораётган сув қатламининг қуёш иссиқлигини торта бошлаши музликларнинг эриш тезлигини ошириб юбораяпти.

МОЛИЯ

КЎЗЛАНГАН мақсадга эришиш учун билим қатори ўша даражадаги ишчанлик ҳам керак

БАНК ТИЗИМИ

Мижоз кўнглига йўл топиб

АТ "Ғаллабанк" республикамизда фаолият юритаётган йирик молия муассасаларидан бири бўлиб, айни пайтда банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда 30 дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

■ **Насиба ИСМАТОВА**

Улар бугунги кунда республикамиз ишлаб чиқаришининг етакчи тармоқлари, кичик ва хусусий бизнес субъектлари, фермерлар ҳамда аҳолига турли банк хизматлари кўрсатиб, иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишаяпти.

Банкнинг Андижон вилоят филиали мижозлар кўнглига йўл топиш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш орқали ўз активлари йил сайин ортиб боришига эришаяпти. Айниқса Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган ишлари ибрат олса арзигулик бўлаяпти. Натижада филиалнинг нақд пул тушумига эга бўлган мижозлари сони 100 тага яқинлашиб қолди. Уларнинг 90 тасига бевосита инкассация хизмати ҳам кўрсатилаяпти.

Шунингдек, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда шохобчалар ташкил этиб, мижозлар узоғини яқин қилаётгани ҳам эътиборга моликдир. Айни пайтда фақат Андижон шаҳрининг ўзидагина ана шундай шохобчалардан 6 таси ишлаб турибди.

Бир сўз билан айтганда, филиал жамоаси мижоз кўнглига йўл топиш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

130 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «SARDOR IMPEX» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси 2001 йили ташкил этилган бўлиб,бу ерда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 7 млн. сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозир енгил автомашиналар учун аккумуляторлар, пластик ҳамда алюмин эшикромлари поролон, полиэтилен плёнкалари, алюмин профиллари, ичимлик сувлари учун пластик идишлар ишлаб чиқариляпти. Хом ашё Россия, Туркия, Украина ҳамда Жанубий Кореядан келтирилмоқда. 2007 йилдан бошлаб эса корхона тамғаси туширилган маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Россияга экспорт қилинади.

Солих ЗОИР олган суратлар

Қўйтошда янги қўшма корхона иш бошлади

Бундан бир неча йил муқаддам Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Қўйтош кони банкротликка учраган эди. Эндиликда ушбу тугатилган корхона ўрнида Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси иш бошлади.

■ **Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ**

Қўйтош нафақат воҳада, балки юртимиздаги фойдали қазилмаларнинг катта захирасига эга бўлган конлардан биридир. Илгарилари бу ердан катта миқдорда нодир металл — вольфрам қазиб олинарди. Ҳудудда қимматбаҳо саноат ва қурилиш ашёси ҳисобланган волластонит, гранит, охра, дала шипати, оҳак ва бошқа маъданларнинг катта захираси борлиги туфайли АТ "Капитал банк" хорижлик шериклар билан ҳамкорликда айни ташландиқ ҳолга келган корхонани қайта тиклаш учун тегишли миқдорда кредит маблағлари ажратгач, "Қўйтош кони" қайта жонланди.

Қувонарлиси, қўшма корхонанинг дастлабки маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди. Қисқа муддатда Ғазалкентдаги "Киннертош" заводига шартномада белгиланган 9 млн. сўмлик гранит плиталарни тайёрлаб берди. Харидорлар буюртмасига биноан яна 54 млн. сўмлик шартнома имзоланди. Оҳак карьерининг тўлиқ иш бошлаши натижасида "Бекободцемент" акциядорлик жамияти билан умумий қиймати 160 млн. сўмлик майдаланган оҳактош етказиб бериш юзасидан шартнома тузилди. Темир рудаси олинадиган "Дунётепа" карьери тўлиқ реконструкция қилиниб, экскаватор, бульдозер ва бошқа техникалар билан таъминланди.

Тикланиш жараёнида кончилар посёлкасида истиқомат қилувчи 6,5 мингдан зиёд аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган ижтимоий иншоотлар фаолиятини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолини ичимли сув билан барқарор таъминлаш мақсадида насослар ва бошқа механизмлар таъмирланиб, электр моторлар янгиланди. 5000 кв.метрдан зиёд иншоотларнинг томлари қайтадан ёпилди.

Аҳамиятлиси, қўшма корхона иш бошлагач, поселкада яшовчи 146 нафар киши муқим иш жойига эга бўлди.

РЕКЛАМАЛАР

ASR EKSPRESS MEDIA
ЭСЛАБ ҚОЛИНГ, БИЗ КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙМИЗ ВА БУЮРТМАНГИЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ!
Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.
Телефонлар: (8-371) 380-20-77, 79-28-71, 383-99-56, 444-01-82.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



ЮКСАК ИШОНЧГА ЯРАША ҲАРАКАТ ЗАРУР

СИЁСАТ ЮЗАКИЧИЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТАРАҚҚИЁТ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН ҲАМҚАДАМ ЮРГАН ПАРТИЯГИНА КУРАШ МАЙДОНИДА ҚОЛАДИ

Бурч масъулияти

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИДАН ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ЕТУКЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Вақт — олий ҳакам. Ойлар, йиллар ўтган сари юртдошларимизнинг онг ва тафаккури ўзгариб бормоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудратини ошириш, барча соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бошқа сиёсий партиялар каби O`zLiDeP ҳам жамиятда маънавий-психологик муҳитни шакллантириш йўлида ўзини тўла сафарбар деб билиб, ҳаёт қатламларига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилаяпти. Буни партиянинг қуйи бўғинлари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Энг муҳими, ғоявий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган жойда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

■ **Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**

Республика товар хом ашё биржаси очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Наманган филиали илгари ҳеч қачон ҳозиргидек гавжум бўлмаган. Ора-сира қадам ранжида қиладиган бир-икки нафар мижоз ҳисобга олинмаганида, муҳташам бино деярли ҳувиллаб ётар эди. Эндиликда манзара тамом бошқача. Кунига икки бора биржа савдолари ташкил этилаяпти. Энг муҳими, мижозлар учун барча шарт-шароит яратилган. Кўргазмали савдо ярмаркалари интернетга уланган бўлиб, тадбиркорлар савдо жараёнида кечаю-кундуз иштирок этиш имкониятига эгадирлар. Электрон почталар эса республикамизнинг барча вилоятлари билан боғланган.

— Сиёсий фаоллик ва амалий ташаббускорликда гап кўп, — дейди Ғаффорали Эргашев. - Инсон янгиликка интилиб яшамас экан, ҳеч нарсага эришолмайди. Бугунги кунда жамоамиз 90 та брокерлик идораси ҳамда 150 нафар трейдерни ўз сафида бирлаштирган бўлиб, биржа савдолари ва уларнинг моҳияти юзасидан жойларда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Самара чакки эмас. Айни пайтда вилоятнинг бир қатор туманлари ҳамда Наманган шаҳрида савдо майдончалари фаолият кўрсатаётир. Бу эса брокерлар орқали савдоларда бевосита иштирок этиш, ягона электрон биржа савдоларига оид жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, керакли маҳсулотларни харид қилиш ёки сотиш учун катта қулайлик туғдирмоқда.

Ғаффорали ЭРГАШЕВ, 1959 йилда Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Мутахассислиги - муҳандис-технолог. Айни кунда республика товар хом ашё биржаси очиқ акциядорлик жамияти Наманган филиали директори, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Албатта, меҳнатда эришилаётган ютуқларни бошланғич партия ташкилоти ва унинг атрофига уюшган фаолларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки биз ишимизни йўлга қўйишда асосан фидойи ва ташкилотчи маслакдошларимиз куч-ғайратига таянамиз. Жумладан, Нурилло Пирматов, Фарҳоджон Юсуфжонов, Исломжон Исмадиёров, Зарифа Отабекова ва бошқалар хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиш билан бирга либерал ғояларни тарғиб қилиш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш йўлида кучғайратларини аямаётирлар. Энг муҳими, улар O`zLiDePнинг дастурий мақсадларини тўла идрок этиб, партиявий бурчга алоҳида масъулият билан ёндашишмоқда. Партиявий масъуллик таъминланган жойдагина юқори иш унумдорлигига эришилиши ўз-ўзидан маълум, албатта. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 56 миллиард 646 миллион сўм миқдоридаги биржа савдолари амалга оширилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Жумладан, 15 миллиард 850 миллион 779 минг сўмлик қурилиш, халқ истеъмоли моллари ҳамда бошқа турдаги материалларнинг кўргазмали савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Тўғриси, иқтисодиётимиз шу қадар шиддат билан одимлаяптики, аксарият ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам у ёки бу мавзуни ёритишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бошланғич партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида биржалар ва уларнинг фаолияти юзасидан ошкора мулоқот ўтказишга келишиб олинди. Мулоқотга ОАВ ходимларини ҳам таклиф этиш ва кун тартибидаги масала юзасидан юзма-юз суҳбатлашиш кўзда тутилмоқда. Бу эса икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

— Партиямиз сиёсат майдонига кириб келганига унча кўп вақт бўлгани йўқ, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. Шундай бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Қайси соҳада бўлмасин, ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишда O`zLiDePнинг Дастурий ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиш лозим. Ана шунда жамият тараққиётини жадаллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Дарҳақиқат, ҳозир замон бошқа. Юксак ишончга яраша ҳаракат ҳам зарур. Изланиш ва ташаббускорлик эса юрт ободлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Қуруқ дабдабозликнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Бас, шундай экан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг жанговарлигини янада ошириш чораларини кўриш лозим. Бу эса ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ бўлган муҳим масаладир.

«Мамлакат иқтисодиётининг тез орада модернизациялашувини ҳамда сифат жиҳатдан янгиланишини амалга ошириш учун хорижий сармоялар ва илғор технологиялар жалб қилинишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партиянинг муҳим вазифасидир. Партия сармоялар оқимини таъминловчи, уларнинг оқилона тақсимоти ва фойдаланишини амалга оширувчи самарали иқтисодий тизим яратилишига кўмаклашади».

O`zLiDeP Дастуридан

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

Бугун жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳар биримиздан ғайрат ва ташаббускорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Омма ўртасида ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтириш, шахс маънавиятини юксалтириш, жойларда сиёсий фаоллик намунасини кўрсатиш ҳозирги жараёнда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади.

Қуйидан бошланган ташаббус

МАҚСАДГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИДИР

■ **Аъзам ҚАЮМОВ, Тошкент шаҳар, O`zLiDeP Мирзо Улуғбек тумани кенгаши қошидаги «Маҳаллараро штаб» раиси**

Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши инсон манфаати, ижтимоий адолат тамойилларига устувор даражада аҳамият қаратилаётганининг ёрқин далолатидир. Бу эса барча сиёсий тузилмалар, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Маълумки, маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида жамият ҳаётига салмоқли таъсир кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса, у ўзига хос демократия дарсхонасидир. Шундай экан, биз маърузада илгари сурилган ғоялар моҳиятини чуқур ўрганиб, уни кенг тарғиб қилишимиз, маҳаллалар қошидаги БПТлар масъулиятини оширишга жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим. Айни кунда туманимизда 2070 нафар O`zLiDeP аъзоси бўлиб, улар 122 та бошланғич ташкилотга уюшган ҳолда иш олиб боришмоқда. Бу, албатта, катта куч.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мамлакат ҳам ижтимоий ҳимояга бюджетнинг ярмидан кўпроқ қисмини сарфлай олмайди. Биз ҳам бу маррага осонликча етиб келганимиз йўқ. Республикамиз раҳбариятининг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш борасидаги сиёсати ўз самарасини бермоқда. Маблағ ва захиралар, энг аввало, иқтисодий соҳадаги таркибий ўзгаришлар учун йўналтирилаяпти. Илғор технологияларга асосланган замонавий корхоналар барпо этиш, ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жамият тараққиётидан энг кўп манфаатдор бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар сафини кенгайтириш диққат марказида турган масалалардан биридир.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ биз кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиёти йўлини танлаб олдик. Табиийки, бу жараёнда боқувчисини йўқотган оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар моддий ва маънавий ёрдамга эҳтиёж сезишади. Мамлакатимизда йўлга қўйилган кучли ижтимоий сиёсат фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш имконини бермоқда. Жорий йилда ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ялпи ҳаражатлар 51 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 54,1 фоизни ташкил этиши кутилаётир.

Ижтимоий ҳимояни тор маънода тушунмаслик лозим. Жамиятда мулкдорлар қатламини кенгайтириш, улар ёрдамида янги иш ўринларини барпо этиш, аҳолининг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш ҳам ижтимоий ҳимояга киради. Бу мақсадларга эришиш учун эса ташаббус ва ҳаракат қуйидан бошланиши, ислоҳотларнинг изчиллиги таъминланиши даркор, албатта.

БПТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI asr» газетаси таҳририяти «Бошланғич партия ташкилотларида» иловаси 2007 йилда ҳам изчил чоп этилишини маълум қилиб, БПТ ҳаётига оид янгиликлардан, муҳим изланиш ва ташаббуслардан доимий равишда хабардор бўлишга чақиради.

XASR — сизнинг газетангиз!

Иқтисодиёт «локомотиви»

O`ZLIDEP АЪЗОЛАРИ БУ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИГА ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДАЛАР

Бугунги тезкор замонда кўпга етакчилик қилиш осон эмас. Негаки, замондошларимизнинг онг ва тафаккури юксалиб бормоқда. Сиёсий куч сифатида назарга тушган ҳар қандай партия ҳаёт қатламларига чуқурроқ кириб бормоғи, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоғи лозим. O`zLiDeP ва унинг жойлардаги қуйи бўғинлари ушбу талабдан келиб чиқиб, ўз фаолияти давомида нималарга кўпроқ эътибор қаратмоқда?

■ **Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири**

Анвар ТЕШАБОЕВ, 1958 йили Андижон шаҳрида туғилган. Андижон пахтачилик институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўлимини тугатган. Айни кунда "ЎзДЭУавто" ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ўқув маркази раҳбари, бош менежер ассистенти, техника фанлари номзоди, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Келинг, узоққа бормайлик. Мамлакатимиздаги гигант саноат корхоналаридан бири — "ЎзДЭУавто" ёпиқ акциядорлик жамиятида тўрт мингдан зиёдроқ ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилишади. Уларнинг 120 нафари ўз тақдирини O`zLiDeP билан боғлашган. Жамоа аъзолари сонига нисбатан бу анча оз, албатта. Лекин ҳар қандай партиянинг сиёсий мавқеини сон эмас, балки сифат белгилашини унутмаслигимиз лозим. Бошланғич партия ташкилоти шуни назарда тутиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга, автомобилсозлар ўртасида ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

— Мамлакатимиз Президенти автомобилсозлик тармоғини иқтисодиётнинг "локомотиви" дея таърифлаган эди,— сўз юритади БПТ етакчиси Анваржон Тешабоев. — Бу аниқ ва ҳаққоний баҳодир. Фарғона водийсидек аҳоли зич жойлашган ҳудудда жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган корхонанинг барпо этилиши ўзига хос тарихий воқеа ҳисобланади. Бу эса маҳаллий саноатни жадал ривожлантириш, турли жамловчи қисмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қурилиш, нефтькимё, электроника, машинасозлик соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга самарали таъсир кўрсатди. Айни кунда мамлакатимиздаги ўндан ортиқ корхона "ЎзДЭУавто" АЖ буюртмалари асосида иш юритаётганлиги эътиборга моликдир.

Асака автомобилсозлик заводи ҳақида илк бор дадамдан эшитганман. У киши корхонада кўп йиллар мобайнида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилган. Асакадаги бунёдкорлик ишлари ҳақида завқ билан гапириб, менда ушбу касбга ҳавас ва иштиёқ уйғотди. 1993 йилдан корхонада мустақил иш бошладим. Орадан икки йил ўтгач, Жанубий Кореяда бўлиб, билим ва тажрибамни бойитдим.

Айни кунда автомобилсозлик саноатини ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Ҳозиргача ишлаб чиқарилган 661000 дона машинадан 257 мингтаси ташқи, 401 мингтаси ички бозорда сотилди.

Дарҳақиқат, шундай. Эришилаётган ютуқларда O`zLiDeP аъзоларининг салмоқли улуши бор, албатта. Энг муҳими, БПТ ўз атрофига фидойи, ташаббускор инсонларни жипслаштирган. Искандар Қобулов, Татьяна Тагирова, Нариман Демиржи, Абдувоҳид Мамажонов, Алишер Султонов, Абдуваҳоб Қўчқоров, Олег Цой сингари сафдошларимиз партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, юксак номга муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Сиёсат юзакичиликни ёқтирмайди,— дейди партия фаолларидан бири Абдуваҳоб Қўчқоров. — Яшириб нима қилдик, партия сафига қандайдир илинж билан кирганлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар узоққа боролмайди. Ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиш учун юксак эътиқод, мустаҳкам ирода керак. Зиммамиздаги партиявий бурч мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатишни, турмуш фаровонлиги йўлида барча имкониятларни ишга солишни тақозо этаяпти. Шуни назарда тутиб, ижтимоий масалаларга жиддий эътибор қаратаяпмиз. Асака шаҳридаги тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 600 млн. сўмдан кўпроқ, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 100 млн. сўм, футбол жамғармасига 50 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Асака шаҳрида 1990 йилгача қурилган турар уйжойларни таъмирлаш, аҳолини тоза ичимли сув билан таъминлашни ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Бу орзу-ниятлар ўз ижобатини топади, албатта. Негаки, сафимизда фидойи, партиявий эътиқодига содиқ инсонлар кўпчилик. Биз уларнинг ёрдамига таяниб, O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида собит-қадамлик билан иш олиб бораверамиз.

Келажак бугундан бошланади

ШУНДАЙ ЭКАН, ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗНИ УНУТМАСЛИГИМИЗ ЛОЗИМ, — ДЕЙДИ НАВОИЙ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ОЛИМ СУВОНОВ

Маънавий баркамол, юксак эътиқодли инсонларни тарбиялаб вояга етказиш айни кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу эса ғоявий-сиёсий ҳамда интеллектуал тарбия билан боғлиқ ишларга алоҳида масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Янги давр ўз талабларини кун тартибига қўймоқда. Навоий педагогика коллежи ҳузуридаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қилаётир.

■ **Дониёр КАМОЛ, Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбирлари**

Кейинги йиллар мобайнида жамоа ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Коллеж барча қулайликларга эга бўлган, 1080 ўқувчига мўлжалланган замонавий бинога кўчиб ўтди. Бу, шубҳасиз, таълим-тарбия жараёнини чуқурлаштириш, маънавий-маърифий ишлар сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда коллежда бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, мактабгача таълим, ҳуқуқий-хўжалик фаолияти, информатика ва ахборот технологияси, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, мусиқа таълими, жисмоний тарбия ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. 126 нафар педагог ва мураббийлар 1910 нафар ўғил-қизларнинг тарбияси билан машғул.

Биз коллеж раҳбари, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Олим Сувонов билан гурунглашар эканмиз, унинг ғоявий етук, эътиқодли фаоллардан бири эканлигига амин бўлдик.

— 2004 йилга қадар бирор-бир сиёсий партияга аъзо бўлмаганман, бунга эҳтиёж ҳам сезмаганман, — дейди суҳбатдошимиз. — Мамлакатимиз сиёсий саҳнасида пайдо бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Низоми ва Дастури билан танишгач, унинг ғоявий мақсадлари кўнглимга яқинлигини ҳис этдим. O`zLiDeP сафига кирганлигим ҳам шундан.

Маълумки, бошланғич ташкилотлар партия фаолиятини йўлга қўйишда ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади.Шуни ҳисобга олиб омма ўртасида партиянинг дастурий ғоялари ва мақсадлари юзасидан кенг тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз. Бу борада айниқса Раъно Ҳамидова, Рухсора Аҳмедова, Нигора Ҳасанова каби фаолларимизнинг тажриба ва маҳорати қўл келаётир. Асосий эътибор партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилмоқда. Жамоамиз аъзоларидан 105 нафари O`zLiDeP аъзосидир. 2006 йил мобайнида уларнинг аксарияти Тошкент, Самарқанд ва Бухоро давлат университетлари ҳузуридаги малака ошириш марказларида таҳсил олиб, илғор педагогик технологиялар бўйича ўз билим ва тажрибаларини бойитиб қайтдилар. Бу эса таълим-тарбия сифатини ошириш, жамоа ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, ўқув масканида БПТнинг алоҳида ўрни бор. Турли байрамлар, тарихий саналар муносабати билан ташкил этилаётган тадбирлар, беллашув ва танловлар ўқувчиларнинг маънавий ва сиёсий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мақсад уларни янги ҳаётга тайёрлашдир. Сиёсий маслакдошлар фаолияти билан танишар эканмиз, уларнинг барча соҳада сиёсий ҳозиржавоблик билан иш юритишаётганига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, таълим-тарбия жараёнида партиянинг ғоя ва мақсадларини, ёшларга оид сиёсатининг туб моҳиятини талабалар онгига етказиш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Бу борада вилоятда биринчилар қаторида ташкил этилган ахборот ресурслари марказининг роли катта бўлаётир. Марказда интернет орқали коллеж ва маҳалла ёшларини мамлакатимиз ички ҳамда ташқи сиёсатига оид маълумотлар, энг сўнгги хабар ва янгиликлар билан таништириб бориш имконияти мавжуд. Бой кутубхона фонди, ундан ўрин олган бадиий асарлар, оммавий-сиёсий адабиётлар, матбуот нашрлари тахламлари эса талабаларни истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат-эътибор руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани шубҳасиздир.

Спорт — жисмоний чиниқиш қуроли. Ўқув юртида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, турли мусобақаларда фаол қатнашишлари учун зарур шарт-шароит яратилган. Тажрибали мураббийлар раҳбарлигида спортнинг 11 тури бўйича тўгарак машғулотлари юқори савияда олиб борилаётир. "Баркамол авлод" республика спорт беллашувларида қатнашиб келаётган вилоят терма жамоасининг асосини коллеж ёшлари ташкил этиши ҳам кўп нарсадан далолат беради. Чунончи, Юлдуз Абдуллаева, Ражаб Эшназаров, Юлдуз Ўролова, Мэлс Худоёров, Мурод Қўчқоров каби талабалар вилоят ва республика мусобақаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгалладилар.

- Келажак бугундан бошланади, - дейди О. Сувонов. - Ватанимизнинг эртаси эса ҳар томонлама баркамол авлод қўлидадир. Мамлакатимиз Президентининг "Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир", деган сўзларини қалбга жо этиб, педагогик масъулиятимизни оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Қолаверса партиямизнинг ёшлар соҳасидаги сиёсати ҳам биздан ана шундай фаоллик ва ташаббускорлик билан иш юритишни тақозо этади.

Олим СУВОНОВ, 1954 йилда Навбаҳор туманида туғилган. 1976 йилда СамДУни тугатган. Техника фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон Республикаси ФА кибернетика институтида илмий ходим, Тошкент автомобиль йўллари институти, Навоий давлат педагогика ҳамда кончилик институтларида катта ўқитувчи, кафедра мудири, илмий кенгаш котиби, бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси вазифаларида ишлаган.
2000 йилдан бери Навоий педагогика коллежи директори, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси.

КИЧКИНАГИНА бир далил ҳам амалга ошмаган ўнлаб орзуларни оқлайди

ХОРИЖ ИҚТИСОДИЁТИ

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Истиқболли ҳамкорлик

Юртимизда қутлуғ шодиёна - Конституция байрами нишонланаётган кунларда Тунис ташқи ишлар вазирлигининг махсус вакили Муҳаммад Беллажи мамлакатимизда бўлди. Ташриф чоғида у республиканинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар олиб борди, деб хабар беради "Жаҳон" ахборот агентлиги.

Беллажининг мухбирларга айтишича, у ташрифи мобайнида ташқи ишлар, иқтисодиёт, маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси раҳбарлари билан учрашган.

— Биз ўзаро ҳамкорлик ва уни кенгайтириш истиқболларининг асосий йўналишларини белгилаб олдик. Жумладан, мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, икки марта солиққа тортишга йўл қўймаслик, сармояларни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлар делегацияларини алмашиш, сайёҳлик бордикелдиларини ташкил қилиш юзасидан ўзаро фикр алмашдик. Эътибор берган бўлсангиз, биз аввало, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласини кўпроқ муҳокама қилдик. Чунки бу борадаги кўрсаткичларимиз биз эришишимиз мумкин бўлган даражадан бир қадар паст, - дейди Тунис таҷқи ишлар вазирлигининг махсус вакили Муҳаммад Беллажи.

АҚШ 218.4 млрд. тақчилликни бошдан кечирмоқда

Халқаро бозорлардаги асосий савдо валютаси — доллар курси еврога нисбатан пасайиб бормоқда. АҚШ Федерал захира тизимининг собиқ раҳбари Алан Гринспэннинг мамлакат савдо балансидаги тақчиллик қисқармагунча валюта қадри тушишда давом этиши ҳақидаги баёнотидан кейин Европа биржаларида бир евро учун 1, 3242 доллар беришди. Ўтаётган йилда доллар еврога нисбатан 10,5 фоиз қадрсизланди.



Чунки жорий йилнинг иккинчи чорагида ҳам АҚШ савдо балансидаги тақчиллик улкан суммани - 218,4 миллиард долларни ташкил этди. Америка иқтисодий тарихида савдо тақчиллиги фақат бир маротаба шу қадар катта бўлган, холос. Шунинг учун ҳам машҳур молиячи Гринспэн жаҳон молия бозорларида кучли тебранишлар рўб бериб турган бир пайтда сармоядорларни ўз маблағларини битта валютада сақлаб турмасликка чақирди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Валюта таҳлилчиларининг фикрича, Гринспэннинг бундай чақириқлари сармоядорларнинг доллардан қочишига сабаб бўлади.

«Лукойл» Европани забт этмоқчи

Россиянинг жаҳонга машҳур "Лукойл" компанияси Европа бозоридаги иштирокини кенгайтириш ва эгаллаш борасидаги ваъдаларини бажара бошлади.

Куни-кеча компания ўз ҳамкори — Американинг Conoco Phillipsидан Европа Иттифоқининг 6 та мамлакатидаги 376 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини сотиб олганлигини эълон қилди. "Лукойл" Европадаги нефтни қайта ишлаш корхоналари акцияларини ҳам сотиб олишдан умидини узгани йўқ. Компаниянинг заёмоблигациялари тақдимот маросимида унинг вице-президенти Леонид Федун Jet савдо маркаси остида ишлаётган Conoco Phillipsдан Бельгия, Чехия, Словакия, Польша, Венгрия ва Финляндиядаги АЁҚШларни сотиб олаётганлигини эълон қилган эди. Бу ҳол "Лукойл"га нефть маҳсулотларининг хориждаги чакана савдосини йилига 1,4 миллион тонна кўпайтириш имконини беради.

Бразилиялик металлурглар ҳиндларни қувиб ўтдилар

Бразилиянинг CSN металлургия компанияси Corus инглиз-голланд ширкатини 4,9 миллиард фунт стерлинг (9,6 миллиард доллар)га сотиб олишини эълон қилди. Бу Ҳиндистоннинг Tata Steel компанияси таклиф этган суммадан кўра кўпроқдир. CSN Corusнинг ҳар бир акцияси учун 515 пенсодан тўлашга розилик берган бўлса, Tata Steel 500 пенсодан таклиф этганди.



Натижада Corus компанияси директорлар кенгашининг раиси Жим Ленг таклифни маъқуллаб, акциядорларга CSNни тавсия этиши ҳақида баёнот берди. Tata вакиллари эса юзага келган вазиятни ўрганиб чиқишаётганини маълум қилишди. Corus учун кураш авж олган бир пайтда компания активлари 5,5 фоизгача кўтарилиб кетди. Агар CSN ва Corus компаниялари бирлашадиган бўлса, йилига 24 миллион тонна ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарадиган, катталиги жиҳатидан дунёда 5-ўринда турадиган металлургия корпорацияси пайдо бўлади.

Америка конгрессининг Вакиллар палатаси Вьетнам билан савдо алоқаларини барқарорлаштириш учун овоз берди.

Чеклов олиб ташланади ...ми?

Энди қонун лойиҳасини Сенат тасдиқлаши керак. Агар лойиҳа тасдиқланса, Вьетнамга нисбатан уруш пайтида жорий этилган савдо чекловлари олиб ташланади. Маълумки, бундан бир ой муқаддам Жорж Бушнинг Ханойга ташрифи арафасида ҳам палатанинг мазкур масала бўйича қарори салбий бўлганди. Вьетнам билан савдо алоқаларини барқарорлаштириш тарафдорларининг фикрича, чекловларнинг олиб ташланиши келаси йилнинг январидан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кираётган ва бозори шиддат билан ўсиб бораётган мазкур мамлакатга Америка фермерлари ва банкирларининг кириб келишига йўл очади. Аммо айрим конгресменлар Вьетнамда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани ва диний эркинлик чекланаётганини баҳона қилиб, чеклов олиб ташланишига қарши чиқаётирлар. Вьетнам уруши фахрийси Роб Симмонс парламентдаги баҳслар чоғида қонун икки мамлакат алоқаларининг янада яхшиланишига, эски яраларни даволашга хизмат қилишини таъкидлади.

Президент бюджетдан норози

Украина президенти Виктор Юшченко ўтган ҳафтада Олий Рада тасдиқлаган "Украинанинг 2007 йилги давлат бюджети тўғрисида"ги қонунни рад этди.

Илгарироқ турли сиёсатчилар президент қонун лойиҳасини имзолашига умид боғлаган эдилар. Жумладан, бош вазир Виктор Янукович бюджет билан боғлиқ барча масалалар яқин вақтларда ҳал қилинишини айтганди. Мухолифатдаги Юлия Тимошенко блоки эса президентни қонунга ўзгартириш киритилмагунча, бюджетни имзоламасликка чақирган. Аввал хабар қилинганидек, 6 декабрь куни Олий Рада келаси йил бюджети лойиҳасини қабул қилган. Бюджетдан ижтимоий соҳага кўпроқ маблағ ажратиш тўғрисидаги фикри инобатга олинмаганлиги учун давлат раҳбари лойиҳани парламентга қайтариб юборган.

Бельгияликлар пиво ичмай қўйишди



Пиво бельгияликлар учун нафақат ичимлик, балки деярли миллий рамз ҳисобланади. Гранд-пляс майдонида бир стакан пиво ичиш ҳар бир сайёҳнинг орзуи саналади. Пиво ишлаб чиқариш саноати бу ерда ўрта асрлардаёқ пайдо бўлган. Бугун мамлакат бозорида унинг 500 дан ортиқ турини учратиш мумкин. Хилма-хилликка қарамай, бизнеснинг бу соҳаси ислоҳга муҳтожлик сезаяпти.

Брюсселнинг марказий майдонини тўлдириб турадиган сайёҳлар маҳаллий ичимлик намунасини ўрта асрларга хос тарзда қурилган гильдхаус — махсус биноларда жон деб тотиб кўришга тайёр. Бироқ кейинги пайтларда бельгияликларнинг ўзлари пивони жуда кам ичишмоқда. Охирги 20 йил мобайнида мазкур ичимлик истеъмоли 20 фоиз камайди. Бельгия пивочилик ассоциацияси президенти Тео Вервонинг айтишича, бунга ижтимоий ўзгаришлар сабаб бўлган. Чунки йирик саноат компаниялари Бельгияни тарк этгач, ўрнига кўпдан-кўп офислар, банклар ва Европа институтлари жойлашди. Уларнинг ходимлари эса жуда кам пиво ичишади. Пиво ишлаб чиқарувчилар эса янги бозорларни қидириш билан банд. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пивонинг ярмидан кўпроғини бошқа мамлакатларда истеъмол қилинаётганининг ўзиёқ бунинг исботидир.

Хавотир сабаби нимада?

Жаҳон бозорида ғалла ва маккажўхори нархи сўнгги 10 йилда энг юқори даражага чиқди. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маъмурияти дон маҳсулотлари, шунингдек, сут ва гўшт нархи қимматлашиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

Ҳаммадан кўра дон сотиб оладиган мамлакатларга қийин бўлиши кутилаяпти. Мутахассислар бу ҳолни дон етиштирувчи йирик мамлакатларда ҳосилнинг пастлиги билан изоҳлашмоқда. 2006 йилда дунё бўйича дон етиштириш ҳажми 591,8 миллион тоннани ташкил этган. Бу эса ўтган йилдагидан (624,5 миллион тонна) бир мунча оз. Жорий йилда етиштирилган буғдойнинг 43,1 миллион тоннаси Россия, 13,8 миллион тоннаси Украина ҳиссасига тўғри келди. Ваҳоланки, ўтган йили бу давлатлар 47,7 ва 18,7 миллион тоннадан ғалла етиштиргандилар. БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экспертлари дон етиштириш ҳажмининг пасайиши кўплаб мамлакатларда нон ва нон маҳсулотлари нархининг ошишига олиб келишидан ҳавотирдалар. Бу эса ўз-ўзидан гўшт ва сут маҳсулотларининг қимматлашувига сабаб бўлади. Мутахассислар огоҳлантиришларича, қашшоқ мамлакатларга қийин бўлади.

Ғарб Штокманга киритилади. Бироқ...



Жаҳондаги энг йирик табиий газ кони - Штокман хорижий компаниялар учун яна очилиши мумкин. Аммо Россия Ғарб фирмаларининг коннинг ўзлаштирилишида иштирок этиши учун янги шартлар қўйди.

"Газпром"нинг Баренц денгизи шельфидаги чет эллик фирмалар билан ҳамкорлик шакли хусусида гапирган Россия энергетика вазири Виктор Христенко Ғарб компаниялари газ қазиб чиқариш учун ускуналар етказиб бериши лозимлигини таъкидлади. Илгарироқ президент Владимир Путин хорижий шериклардан қизиқарлироқ таклиф тушган тақдирда конда ишлашлари мумкинлигини эътироф этганди. Бироқ ҳанузгача ҳамкорлардан таклиф тушмади. Бир ой муқаддам "Газпром" ташқи ёрдамсиз 3,7 трлн. куб метр газ захираси мавжудлиги айтилаётган конни ўзи ўзлаштиришини эълон қилган эди. Бир неча йил давом этган тендерда ютиб чиқиши учун кўплаб компаниялар даъвогарлик қилди. "Газпром" қароридан, айниқса, Америка томони зарар кўрди. Унинг фирмасини тендердан четлаштирган Россия газни АҚШга етказиб бериш ниятидан ҳам воз кечди.

Сахифани Шерзод АРАПОВ тайёрлади

СЎНГГИ САҲИФА

РУҲ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур

ДОХА - 2006

Шоҳсупага йўл осон эмас

ЭРТАГА ДОХАДА РОППА-РОСА ИККИ ҲАФТА ДАВОМ ЭТГАН XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛАДИ

Айтиш мумкинки, мазкур баҳслар аввалида ўзбекистонлик спортчилар пастроқ кўрсаткичларга эришган бўлсалар, мусобақанинг сўнгги кунларида биринкетин шоҳсупанинг юқори ўринларини банд этиб, бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдиришга эришдилар.

Шухрат ХЎЖАЕВ

11 декабрь куни каноэчимиз Вадим Меньков 1000 метр масофани барча рақиблардан аввал сузиб ўтиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, Герасим Кочнев ҳамда Серик Мирбеков айнан шу спорт тури бўйича жуфтлик баҳсларининг финалида маррага иккинчи бўлиб етиб келишди. Улардан ташқари, байдаркачимиз Алексей Бобожонов, енгил атлетикачиларимиз — Анастасия Журавлёва, Леонид Андреев ва Виталий Смирнов кумуш медаллар билан тақдирланишди.

Мусобақанинг ўн иккинчи кунида терма жамоамиз "хазина"си иккита олтин, битта кумуш ва битта бронза медаль билан бойиди. Жумладан, боксчиларимиз — Баҳодир Султонов ва Элшод Расулов финал баҳсларида тегишли равишда монголиялик Энхзориг Зоригбаатар ва қозоғистонлик Бахтиёр Артаевни мағлуб этиб, олтин медаль билан тақдирланган бўлсалар, 91 кг. вазндаги боксчимиз Жасур Матчонов рақиби — эронлик Али Мазахеридан енгилиб, кумуш медаль билан кифояланди. Гимнастикали трамплин бўйича икки нафар хитойлик спортчидан кейин учинчи натижани қайд этган вакиламиз Екатерина Хилько эса шу куни қўлга киритилган медаллар шодасига бронза совринни ҳам қўшиб қўйди.

Кеча кундузи бўлиб ўтган ҳал қилувчи баҳсларда қозоғистонлик Мухторхон Дилдабековни иккинчи раунддаёқ техник нокаутга учратган ҳолда мағлуб этган боксчимиз Рустам Саидов олтин, 40 км.ли пойгаларда иккинчи натижани қайд этган велопойгачимиз Владимир Тўйчиев эса кумуш медални қўлга киритдилар.

Шу тариқа мусобақанинг дастлабки кунларида умумжамоа ҳисобда ўн бешинчи поғонадан пастга тушиб кетган ўзбекистонлик спортчилар 13 декабргача (кечқурунги баҳсларга қадар) медаллар сонини 28 тага етказиб, 44 та жамоа орасида 10-ўринга кўтарилиб олишди.



«ЖАҲОН» АА

XV Осиё ўйинларида 13 декабрга қадар медалларга сазовор бўлган ўзбекистонлик спортчилар

	Спорт тури	Исм-шарифи	Медаль
	Енгил атлетика		
1.	100 м.га югуриш	Гўзал Хуббиева	олтин
2.	200 м.га югуриш	Гўзал Хуббиева	кумуш
3.	Лангар билан сакраш	Леонид Андреев	кумуш
4.	Кўпкураш	Виталий Смирнов	кумуш
5.	Уч ҳатлаб сакраш	Анастасия Журавлёва	кумуш
	Каноэ ва байдарка		
6.	1000 м.га сузиш (к)	Вадим Меньков	олтин
7.	1000 м.га сузиш (б)	Алексей Бобожонов	кумуш
8.	1000 м.га сузиш (каноэ, жуфтлик)	Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков	кумуш
	Дзюдо		
9.	73 кг.	Шокир Мўминов	бронза
10.	90 кг.	Рамзиддин Саидов	бронза
11.	100 кг.	Ўткир Қурбонов	бронза
12.	100 кг.дан ортиқ	Абдулла Тангриев	бронза
	Эшкак эшиш		
13.	Хотин-қизлар, жуфтлик	Зарина ва Севара Ғаниевалар	олтин
14.	Эркаклар, жуфтлик	Владимир Черненко ва Руслан Наурзалиев	олтин
	Теннис		
15.	Хотин-қизлар терма ж-си	И.Тўлаганова, О.Омонмуродова	бронза
	Таэквандо		
16.	73 кг.	Евгения Каримова	кумуш
	Оғир атлетика		
17.	Штанга, 105 кг.	А. Мартемьянов	бронза
	Юнон-рум кураши		
18.	60 кг.	Дилшод Орипов	бронза
19.	66 кг.	Равшан Рўзиқулов	кумуш
20.	96 кг.	Геннадий Чхаидзе	бронза
	Бокс		
21.	57 кг.	Баҳодир Султонов	олтин
22.	60 кг.	Бекзод Хидиров	бронза
23.	64 кг.	Дилшод Маҳмудов	бронза
24.	75 кг.	Элшод Расулов	олтин
25.	91 кг.	Жасур Матчонов	кумуш
26.	+91 кг.	Рустам Саидов	олтин
	Гимнастикали трамплин		
27.	Якка баҳслар	Екатерина Хилько	бронза
	Велоспорт		
28.	40 км.ли трек	Владимир Тўйчиев	кумуш

БУ АЖИБ ДУНЁ

«Тропик ороллар» оромгоҳига марҳамат

Германияга ташриф буюрган сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари қаҳратон қишда ҳам мамлакат шимолидаги тропик иқлимли курортда дам олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Берлиндан 60 км. узоқликда жойлашган "Тропик ороллар" (Tropical Islands Resort) деб аталган кўнгилочардам олиш маскани собиқ ГДРнинг эски ҳарбий авиабазаси ўрнида барпо этилган. Аквапаркнинг усти ёпиқ иншоотти шу даражада каттаки (майдони — 360 х 210, баландлиги — 107 м.), унинг ўрнига сакизта футбол майдонини бемалол сиғдириш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, бағрига бир вақтнинг ўзида 8200 нафар дам олувчини сиғдира оладиган мазкур оромгоҳга ташриф буюрган ҳар бир киши ўзини тропик иқлимли мамлакатларда юргандек ҳис қилади. Мажмуа ҳудудида "Гаваи" ва "Таити" деб номланган иккита орол, тропик ўрмон, кўллар ва қумли пляждан ташқари, кичик "қишлоқ"қа уланиб кетган бозорчани ҳам кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, қишлоқ "Таиланд", "Малайзия", "Полинезия", "Амазонка", "Конго" каби ҳудудларга бўлинган бўлиб, у ерда ўша минтақаларга хос таомлар тайёрланадиган кафелар бор. Аквапаркнинг тропик иқлими доимий нозоратда: нисбий намлик 55 фоиз, ҳаво ҳарорати 25, сувники эса 28 даражада сақлаб турилади. Улкан экранларда қуёш чиқиши ва ботишининг акс эттирилиши масканга ҳузурбахш руҳ бахш этади.





ОБ-ҲАВО

14-20 декабрь

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда янги ҳафтанинг дастлабки кунларида ёға бошлаган ёмғир қорга айланади. Ҳаво ҳарорати кечаси 4-8 даража совуқ, кундузи -2-+4 даража атрофида бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида якшанбага қадар қор, ундан кейин эса ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 1-4 даража совуқ, кундузи 6-8 даража илиқ келади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, ойнинг 17-19-саналаридан ташқари, деярли ҳар куни ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси -2-+2 даража атрофида, кундузи 9-11 даражага илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бугун-эрта ҳамда янги ҳафтанинг биринчи ярмида қор аралаш ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси -2-+1, кундузи 6-9 даражани ташкил қилади.

Фарғона водийсида вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси -2-+3, кундузи 6-11 даража атрофида бўлади.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради. Якшанба куни қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси -2-+1 даража, кундузи 6-8 га даража илиқ келади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

18- 24 декабрь

ҚЎЙ. Иш жойингизда сезиларли ютуқларга эришиб, ён-атрофингиздаги одамларнинг эътиборини қозонасиз. Шахсий ҳаётингизда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй беради. Ҳафта охирида қизиқарли воқеа сабабчисига айланишингиз мумкин.

БУЗОҚ. Муҳим ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш, битимларни имзолаш, жумладан, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланиш учун қулай ҳафта. Айрим хулосаларни чиқариш пайтида таваккал қилишга мажбур бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафтанинг биринчи ярмида расмий ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қиласиз. Дам олиш кунлари арафасида қалбингизга яқин кишингизни бирон бир жойга таклиф этиб, дилдан суҳбатлашишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Фойдали танишувлар ва бизнес-учрашувлар учун қулай ҳафта. Бошлаган ишингиздан кўпроқ фойда олишни истасангиз, мижозларингизни рағбатлантиринг, ҳамкорлик қилишнинг янги йўлларини изланг.

АРСЛОН. Йирик тадбирни ташкиллаштириш вазифасини аъло даражада бажарасиз. Эътиборли томони шундаки, айнан шу ишингиз эвазига раҳбариятнинг ташаккурини олишдан ташқари, мўмайгина даромад ҳам топасиз. Муҳими — шошманг.

ПАРИЗОД. Рўзғорга барака кирсин, десангиз, уйингизда қатъий тартиб-интизом ўрнатинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида пайдо бўлган қулай шарт-шароитдан унумли фойдаланиб қолинг.

ТАРОЗИ. Бир вақтнинг ўзида бир нечта йўналишда бажарган ишларингиз самарали якунланади. Жумладан, ҳафта аввалида қимматбаҳо ва жуда керакли жиҳозни сотиб олсангиз, дам олиш кунлари яқин танишингиз тўйида обдон ҳизмат қилиб, ўзингизга билдирилган ишончни оқлашга муваффақ бўласиз.

ЧАЁН. Ҳафтанинг биринчи ярмида январь ойи учун иш режаси тузиб чиқинг. Хатога йўл қўймай, десангиз, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлинг. Бизнесга оид ташриф ва қабулларни шанба ёки якшанба кунларига белгилаганингиз маъқул.

ЎҚОТАР. Жамоат жойларида кескин фикр билдиришга, ўйламай қандайдир чора кўришга шошилманг. Акс ҳолда бировларнинг хатосини тузатаман, деб билмаган ҳолда обрўйингизга путур етказиб қўйишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Имижингизни ўзгартириш юзасидан амалга оширилган "тадқиқот"лар тез орада натижа беради: кўпчилик сизга ҳавас билан қарайди. Айримлар эса ҳатто хатти-ҳаракатингизга тақлид қила бошлайдилар. Пайшанба ва шанба кунлари савдо-сотиқ соҳасида муайян ютуқларга эришасиз.

ҚОВҒА. Атрофдагиларнинг маслаҳатига қулоқ тутиб, керакли хулоасалар чиқаришга ҳаракат қилинг. Ойнинг йигирманчи санасидан сўнг учтўрт кун дам олгач, Янги йил тантаналарига тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўласиз. Бозорга дам олиш кунлари чиққанингиз маъқул.

БАЛИҚ. Ишингизда арзимас камчилик борлигини сезиб қолган рақибларингиз айбингизни оламга достон қилиш пайига тушадилар. Шундай бўлса-да, мазкур ҳолатга кўпам эътибор берманг. Аксинча, ўзингизни вазмин тутишга ҳаракат қилинг. Автомобиль йўлларидан юраётганда эҳтиёт бўлинг.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар ва Яккасарой туман кенгашлари "Дилбар – давр қизи" МЧЖ раҳбари, Тошкент шаҳар партия кенгаши аъзоси Дилбар Жалоловна Ходжаевага волидаи муҳтарамаси **МУКАМБАР** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ 361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
А. СОЙИБНАЗАРОВ, Қ. ҚЎЛДОШЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1467
Тираж: 11672

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

© «XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71; 361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz